

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқукида
УДК:336.143(575.1)

ЗАИДОВ ШОХРУХ АХРАРОВИЧ

**МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВДА АХБОРОТ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**5A230108- “Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни
ривожлантириш”**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
И.ф.н., доц.Р.Х.Карлибаева

Тошкент – 2013

Мундарижа

КИРИШ.....	3
I.БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ TUTГАН ЎРНИ.....	10
1.Монополияга қарши бошқарувнинг мазмуни, мақсади ва унинг ахборот таъминоти.....	10
2. Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурлиги.....	17
3.Монополияга қарши бошқарувнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари.....	21
II.БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ТАҲЛИЛИ.....	30
1.Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизми.....	30
2. Монопол корхоналарнинг маҳсулотларига нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш.....	41
3. Монопол корхоналар тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва уларни ягона реестрини юритиш тартиби.....	49
III.БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВДА АХБОРОТ ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	61
1. Монополияга қарши бошқарувнинг ягона ахборот базасини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар.....	61
2. Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш масалалари.....	63
3. Монополияга қарши бошқарув ва унинг ягона ахборот базасини такомиллаштириш йўналишлари.....	66
ХУЛОСА.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Мухтарам юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг асосий беш тамойили” яъни ривожланишнинг “ўзбек модели” асосида юртимиз тараққий топмоқда ва бу тараққиёт жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, рақобат ва унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш шароитида асосий вазифадир.

Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлашга тўсиқ бўлаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, таннархининг эса асоссиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтдилар, “Аввало биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисми ёқилғи сифатида фойдаланилаяпти холос”¹. Президентимиз ушбу фикрларида, иқтисодиётимизда стратегик аҳамият касб этувчи тармоқларимизда эркин рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигига урғу бериб ўтганлигини кўришимиз мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов 2013-йил ва яқин келажақда амага оширишимиз лозим бўлган ислохотларга тўхталиб қуйидагиларни таъкидлаб

¹Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 7 б.

Ўтдилар “.....иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор”².

Бу ўз навбатида, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини, рақобат муҳитини изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштирилиши, иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш талаблари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг назорат вазифаларини қисқартирилиши, шунингдек изчил ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги муносабатлари монополияга қарши қонунчиликни янада такомиллаштириш заруриятини белгилаб берди. Зеро, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкӣ муносабатларнинг янги шакллариининг ривожланиши натижасида бозор қўйган талабларни, яъни шаклланган муносабатларни тартиб солиш зарурияти юзага келмоқда. Бошқача айтганда, ҳозирда монополистик фаолиятни нафақат товар бозорларида, балки молия бозорларида, қимматли қоғозлар бозорида, биржа савдоларида ҳам чеклаш чораларини кўришни давлатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам талаб этмоқда. Ушбу ҳолат монополияга қарши бошқарув самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи унинг ахборот тизимини такомиллаштириш масалаларини қамраб олувчи ушбу диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва предметнинг белгиланиши. Ушбу магистралӣк диссертация ишининг объекти монополияга қарши бошқариш тизимининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

²Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.- Тошкент, 18.01.2013 й.

Ишнинг предмети сифатида иқтисодиёда рақобат муҳитини шакллантириш ва монопол корхоналар фаолиятини тартибга солиш борасидаги иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тақиқот мақсади ва вазифалари. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, диверсификацилаш ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш билан боғлиқ кенг кўламдаги ислохотлар шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ҳамда монополияга қарши самарали бошқаришнинг ахборот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш диссертация ишининг **мақсади** ҳисобланади.

Диссертация ишида белгиланган ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар кесимида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш белгилаб олинди:

- монополияга қарши бошқарувнинг мазмуни, мақсади ва ҳозирги шароитдаги асосий вазифаларини илмий жиҳатдан ёритиб бериш;
- монополияга қарши бошқарувнинг миллий иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун объектив зарурлиги ва бу борадаги хорижий давлатлар илғор тажрибаларини имий асослаш;
- Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва унда ахборотлар таъминоти тизимининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- монопол корхоналар тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва уларни ягона реестрини юритиш тартибини комплекс ўрганиш;
- монополияга қарши бошқарувнинг ягона ахборот базасини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни ёритиш ва уларнинг ечимлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- монополияга қарши бошқарувда ахборот тизими орқали нархлар устидан самарали назоратни ўрнатиш бўйича илмий таклифларни асослаш ва бошқалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида монополияга қарши бошқарувнинг миллий иқтисодиёт тарақиётини таъминлашдаги аҳамияти ёритиб берилди.

Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини комплекс таҳлил қилинди. Натижада унинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг элементи сифатида унинг ахборот таъминоти тизими ўрганилди. натижада уни янада такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий фаразлари сифатида таъкидлаш жоизки, ислохотларнинг ҳозирги шарт-шароитларида келиб чиққан ҳолда диссертация ишидаги ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялар истиқболда республикада монополияга қарши бошқарув тизимининг самарали ишлашини таъминлайди. Пировард натижада иқтисодиётда рақобат муҳити шакллантириш давлат сиёсатининг самарадорлигига эришилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётларнинг таҳлили. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ундаги рақобат муҳитини шакллантириш, монопол корхоналар фаолиятини бошқаришнинг замонавий тизимини назарий ва амалий асослари қатор хорижлик иқтисодчи олимларидан С.Б.Авдашева, В.А.Аронин, В.В.Качалин, А.А. Никифоров, Ж.М.Кейнс, М.В.Романовский ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан М. Шарифхўжаев, С. Ғуломов, Ш.Шодмонов, А.Ваҳобов, М.К.Азимов, Б.У. Пўлатов, З.С. Умаров, Н.Ўрмонов, У.Ғафуров, Р.Карлибаева ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши бошқарувнинг самарали ташкил этиш ва уни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини шакллантиришга ўзларининг ҳиссаларини қўшганлар.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

Диссертация ишини ёзиш жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, иқтисодий таҳлилнинг вертикал ва горизонтал услубларидан усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва тавсиялар даражасигача тадқиқ этилганки, улар иқтисодиётдаги рақобат муҳитини шакллантириш ва монополияга қарши бошқарувни самарали ташкил қилишни таъминлашга амалий ёрдам бериши мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Рақобат сиёсати», «Монополияга қарши бошқарув назарияси», «Қорхона рақобатбардошлигини баҳолаш» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ушбу диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги ислохотларнинг ҳозирги шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда монополияга қарши бошқарув тизими, республикада рақобатни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг амалдаги ҳолати ва унинг мамлакатимизда амага оширилаётган ислохотлардаги аҳамиятини комплекс тадқиқ қилинганлиги ҳамда уни янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Магистрлик диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

- монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асослари вамақсади ва ҳозирги ислохотлар шароитидаги асосий вазифалари асосланди;
- монополияга қарши бошқарувнинг ахборот таъминоти тизимининг ҳолати ва уни самарали ташкил этишдаги аҳамияти ёритиб берилди;
- монополияга қарши бошқарувнинг самарали ташкил этиш имкониятлари ва унда ахборот коммуникация тизимининг ролини янада ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди;

- монополияга қарши бошқарув ва уни ахборот тизимини янада такомиллаштириш мақсадида амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- иқтисодиётдаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган давлат унитар корхоналарини қайта ташкил этиш ва улар фаолиятини янада жонлантиришга йўналтирилган илмий таклиф ва амал тавсиялар ишлаб чиқилди;

кичик бизнес ва хусусий табирикдорликни янада ривожлантириш монопол ишлаб чиқариш кўламини камайтириш имкониятларга эга эканлиги исботланди.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва методологик асоси. Республикамиз ва хорижий иқтисодчилар томонидан иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва монополияга қарши бошқарув тизимига бағишланган илмий- амалий ишлари ушбу диссертация ишининг назарий ва методологик асосини ташкил этади. Шу билан биргаликда илмий ишни ёзиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг меъёрий ҳужжатларидан, иқтисодчи-олимлар асарларидан ва турли даврий нашрларда эълон қилинган материаллардан кенг фойдаланилди.

Диссертация иши таркибининг қисқача тавсифи. Иш кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар қисмларидан иборат.

Диссертация ишининг биринчи бобида иқтисодиётни эркинлаштириш ва диверсификациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувнинг илмий назарий асослари, мақсади ва ислоҳотлар шарот-шароитларидан келиб чиққан ҳолда уга қўйиладиган асосий вазифалар ёритиб берилган. Монополияга қарши бошқарувнинг хорижий мамлакатлар илғор тажрибалари, улардан миллий иқтисодиётимиз шарт-шароитларидан келиб

чиққан ҳолда фойдаланиш имкониятлари ёритиб берилган. Монополияга қарши бошқарув тизини самарали ташкил этишда ахборот таъминоти тизимининг ўрни асосли равишда ёритиб берилган.

Диссертация ишининг иккинчи бобида монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва унинг ахборот тизими комплекс таҳлил қилинган. Монополияга қарши бошқарувнинг самарали ташкил этилишига таъсир этуви омиллар аниқланган. Монопол корхоналар фаолияти бўйича асосий ахборот манбаи бўлган монопол корхоналар реестрини ёритиш тартиби ҳамда ушбу корхоналар устидан самарали назорат тизимини шакллантириш бўйича фикр мулоҳазалар берилган.

Диссертация ишининг учинчи бобида монополияга қарши бошқарувда ахборот тизимини самарали ташкил этиш орқали иқтисодиётдаги рақобат муҳитини ривожлантириш йўллари бўйича фикр мулоҳазалар, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, монопол корхоналар фаолиятин бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат унитар корхоналари фаолиятини қайта ташкил этиш ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали монопол ишлаб чиқариш фаолиятини камайтириш имкониятлари бўйича қатор таклиф ва амалий тавсиялар асосланган.

I.БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

1.Монополияга қарши бошқарувнинг мазмуни, мақсади ва унинг ахборот таъминоти.

Иқтисодиётда бозор механизмининг самарали амал қилиши ва рақобат муҳитининг таъминланиши монополиялар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқишни тақозо этади.

Президентииз Ислом Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эдилар, Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта рол ўйнайди. Аммо, амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборига олган ҳолда, «рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу Қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир³.

Монополия тушунчасига турли ўқув адабиётларида турлича таъриф берилади. Жумладан, баъзи ўринларда уни «давлат, корхоналар, ташкилотлар, сотувчиларнинг қандайдир хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги мутлақ ҳуқуқи» сифатида қаралса, бошқа ҳолатларда «фаолиятнинг у ёки бу соҳасида шахс ёки кишилар гуруҳининг ҳар қандай (баъзи адабиётларда – якка) ҳукмронлик ҳолати» деб таърифланади. Бу таърифлардаги монополиянинг «мутлақ ҳуқуқ» ёки «ҳар қандай ёки якка ҳукмронлик ҳолати» каби тавсифлари унинг моҳиятини аниқ ёритиб

³Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2010 й.-27 б.

беролмаслиги сабабли, уни қуйидагича таърифлаш ўринли деб ҳисоблаймиз: монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари.

«Монополия» атамасининг келиб чиқиши бозорга оид тушунчалардан (яъни, грекча «monos» - ягона, битта ва «poleo» - сотаман) таркиб топсада, бироқ унинг иқтисодий асослари аслида ишлаб чиқаришга бориб тақалади.

Иқтисодчи А.А. Никифоровнинг фикрича, “Монополиялар вужудга келишининг моддий асоси ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланишини намоён этади”⁴.

Ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий сабаби бўлиб олинаётган фойда ҳажмининг кўпайиши ҳисобланади. Фойдани мунтазам равишда кўпайтириб бориш мақсадида тадбиркор олинган қўшимча маҳсулот (фойда)нинг бир қисмини капиталлаштиради, яъни унга қўшимча ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сотиб олади. Бу эса баъзи бир корхоналарнинг ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайишига олиб келади. Шу билан бирга рақобат амалдаги капиталларнинг ихтиёрий ёки мажбурий бирлаштириш, марказлаштириш тенденциясини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш тўпланишининг моддий асоси бўлиб капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ҳисобланади.

Капиталнинг тўпланиши – бу қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошишидир. Бу жараён қуйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланади: корхонадаги ишловчилар сони, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қайта ишланаётган хомашё миқдори, товар айланмаси ҳажми, фойда ҳажми.

Бу борада иқтисодчилар Ю.В.Сухотин, В.Н.Богачевлар “Капиталнинг

⁴Никифоров А.А. Концепция антимонопольной политики и реформа // Вестн.Моск. ун-та. Сер.6., Экономика. - 1998. - №1. - с.14-30.

тўпланиши капиталнинг марказлашуви жараёни билан янада тўлдирилади”- деган фикрни келтириб ўтадилар⁵. Бизнинг фикримича, капиталнинг марказлашуви – бу бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти шаклида ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсишидир.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал ва вертикал тўпланиши фарқланади.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётнинг маълум тармоғи доирасидаги корхона ва фирмаларнинг йириклашувидир. У эркин рақобат даври, шунингдек, XX асрнинг бошларида ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий шакли сифатида майдонга тушган эди.

Ишлаб чиқаришнинг вертикал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётдаги бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўпланишидир. У илмий-техника инқилоби шароитларида кенг ривожланди.

Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ўз ривожининг маълум даражасида монополияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳамда монополияларнинг пайдо бўлиши ўртасидаги ички алоқалар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) тармоқларда бир неча йирик корхоналарнинг ҳукмрон мавқега эга бўлиши уларнинг бир-бири билан келишувига ҳамда монополистик бирлашмалар тузишига имкон яратади;

2) йирик корхоналар ўртасидаги рақобат жуда қалтис бўлиб, улар учун катта миқёсдаги йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шунга кўра, рақобатни чеклаш, товарларга юқори нархлар белгилаш ва юқори фойда олиш учун йирик ишлаб чиқарувчиларнинг монополистик иттифоқларга бирлашиши лозим бўлади.

Монополияларнинг вужудга келишида ишлаб чиқаришнинг тўпланишидан ташқари яна бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:


1) давлатнинг протекционистик божхона сиёсати. У чет элдаги

⁵ Сухотин Ю.В., Богачев В.Н. Монополизм и антимонопольная политика. – М.: Наука, 1993.- С.19

рақобатчиларнинг ички бозорга кириш имкониятини йўқотиб, монополияларнинг пайдо бўлишига шароит яратади;

2) банкларнинг фаолияти ва молиявий сиёсати. Банклар саноат монополияларининг жадал ўсишига имкон беради.

Монополияларнинг моҳиятини очиб беришда унинг турларини кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Монополияларнинг турларини бир неча мезонларга кўра ажратиш мумкин.



1.1. расм. Монополиянинг кўринишлари⁶.

Монополия маълум мезонлар асосида таснифланади. Масалан, ташқи кўриниши, шаклланиш хусусиятлари бўйича ёпиқ, табиий ва очик монополияларни кўришимиз мумкин.

Монополияларнинг юқоридаги кўринишлари ҳар бир миллий иқтисодиёт ривожланишининг хусусиятлари натижасида вужудга келган шарт-шароит ёки муҳитга боғлиқдир.

Ёпиқ монополияда моноплистик фаолият рақобатдан юридик чегараланишлар, муаллифлик ҳуқуқи институтлари, патент ҳимояси билан ҳимояланади. Натижада маълум хўжалик субъектлари устун мавқега эга бўладилар. Бунга мисол тариқасида почта хизматини келтиришимиз мумкин.

Табиий монополия иқтисодиёдаги объектив шарт-шароит туфайли

⁶ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган.

шакланади. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, “Табиий монополия — товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас”⁷.

Табиий монополия субъекти — табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиб, истёмолчи — табиий монополия субъекти ишлаб чиқараётган товарни олаётган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади.

Очиқ монополия- бу шундй монополистик ҳолатки, бунда бир фирма маълум товарлар ёки хизматларни ягона ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Лекинбундай монополия субъекти рақобатдан махсус юридик ҳимояга эга бўлмайди. Бунга мисол тариқасида ҳали аналогичи мавжуд бўлмаган янги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган фирмалар очик монополия субъекти ҳисобланиши мумкин. Монополиянинг ушбу турини миллий иқтисодиёт тараққиёти учун хавфли жиҳатлари деярли йўқ. Чунки, бунда товарларни янги ўзлаштирган фирмалар рақобат муҳитида иштирок этишлари учун чегара мавжуд эмас.

Соф (абсолют) монополия. Битта фирма маҳсулотни ягона ишлаб чиқарувчиси бўлиб, бу маҳсулотни алмаштирувчилари бўлмаган тақдирда соф монополия мавжуд бўлади. Бу моделнинг тўртта ўзига хос хусусияти бор, хусусан:

-сотувчи ягонадир, фирма битта бўлганлиги сабабли тармоқ синоним (маънодош) ҳисобланади:

-сотилаётган маҳсулот, уни алмаштирадиган ёки унга яқин турадиган маҳсулот йўқлиги нуқтаи назаридан қаралганда ноёбдир:

-монополист бозорда қукмрон бўлиб, нархни, таклифни назорат қилади:


⁷Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон.

-монополистни бозорга киришида рақобатчилар учун ўтиб бўлмайдиган табиий ва сунъий тўсиқлар ҳосил қилинади.

Олигополия. Олигополиянинг асосий хусусияти — рақобатчилар сонининг камлигидир. Агар бозорда нисбатан оз сонли (ўнта атрофида) фирмалар устунлик қилса, бу тармоқни олигополик деб тан олинади. Классик олигополия уч-бешта ишлаб чиқарувчи жумласидан ташкил топади. Масалан, АҚШнинг автомобил саноатида «уч катталик»: «Дженерал моторс», «Форд», «Крайслер»лар ҳукумронлик қилади.

Монополияга қарши бошқарувнинг бир катор функционал элементларидан бири монополистик фаолиятни назорат қилиш ҳисобланади. Монопол корхоналар ва хусусан, табиий монополиялар устидан самарали назоратни шакллантириш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги тўғри ва аниқ ахборотларни шакллантириш жараёнига бевосита боғлиқдир.

Монополияга қарши бошқарувда фойдаланиладиган ахборотларнинг манбалари қуйидагича гуруҳланиши мумкин



1.2-расм. Монополияга қарши бошқарувнинг ахборот манбаларининг ташкилий чизмаси⁸

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ахборот манбаларида Монопол корхоналар устун мавқега эга бўлган тоарлар ва хизматлар бозоридаги муҳитга оид ахборотлар асосий манбалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун

⁸Расм муаллиф томонидан шакллантирилди.

маълум турдаги товарлар ва хизматларнинг бозор чегараларини аниқлаш, унда иштирок этвчи субъектлар сони тўғрисида маълумотлар жамланади. Жамланган маълумотлар асосида корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти монопол хусусиятлари маълум мезонлар асосида аниқланади. Ушбу тартибга солиш фаолияти учун ахборотлар манбаи сифатида статистик, божхона ва хўжалик субъектлари фаолиятига оид маълумотларлар, социологик сўровлар ва бошқа манбалардан фойдаланилади.

Монопол тавсифга эга бўлган товарлар ва хизматлар, уларни ишлаб чиқарувчилар тўғрисида давлат органларининг ахборотлари монополияга қарши бошқарув бўйича қарорлар қабул қилишда аҳамиятидир.

Ўзбекистон Республикасининг статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан ўрнатилган тартибда ва муддатда экспорт-импорт ҳақида, товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳақида тегишли ахборотларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълум турдаги товарлар импорти ва экспорти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари рўйхатини, экспорт ва импорт ҳажми тўғрисидаги ахборотларни сўралган муддатидан 5 иш куни мобайнида тақдим этади.

Хўжалик субъектлари эса мулкчилик шаклидан қайтғий назар ўзларининг ишлаб чиқарш қувватлари, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми ҳамда асосий истеъмолчилари, экспорт ва импорт ҳажми тўғрисидаги ахборотларни тақдим этадилар.

Юқоридгилардан кўришиб турибдики, монополияга қарши бошқарувнинг ахборотлар таъминоти ички ва ташқи ахборотлар таъминотига бўлиниб, бошқарув жараёнининг ҳар бир босқичларига хос ахборотлар жамланади. Ушбу ахборотларни жамланишида давлат органлари, хжалик субъектлари иштирок этадилар.

2. Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурлиги

Иқтисодиёти бозор принципларига асосан қурилаётган барча мамлакатларда монополияга қарши бошқарув ишлари олиб борилади. Маъмурий ва иқтисодий чоралардан ташқари давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларнинг бозорни монополиялаштиришга қарши юридик чоралар ҳам қўлланилади.

Шу тариқа, антимонопол бошқаруви иқтисодий, маъмурий ва қонуний актлар мажмуаси сифатида намоён бўлиб, бозорда рақобатчиликка шароит яратиши ва ишлаб чиқарувчиларнинг бозорни монополиялаштириш борасида ҳаракатларини чеклашни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикасида антимонополияга таалуқли қонунларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий муносабатларни янгилашни иқтисодиётни бошқаришнинг тегишли таркибини (структурасини) яратишни талаб қилмоқда. Шу сабабли республикада бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги давлат тузилмалари ташкил этилмоқда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 15 майдаги фармонида асосан молия вазирлиги монополияга қарши ва нарх сиёсатини ёритиш бош бошқармаси асосида ташкил этилган Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб тузилган давлат тузилмаси ҳисобланади. Чунки марказлашга режалаштириш даврида таркиб топган халқ хўжалигининг таркибий тизимида, нафақат яққаҳоким ҳолатидаги корхоналар, балки шундай имкониятга эга бўлган халқ хўжалигининг турли тармоқлари ҳам шаклланган. Шу сабабли республика ва маҳаллий товар бозорларида монополистик мавқега эга бўлган корхоналар фаолиятини назорат қилиш ва бу тармоқларда рақобат муҳитини яратиш бугунги кунда муҳим вазифа ҳисобланади.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни

ривожлантириш давлат қўмитасига айнан шу вазифалар юклатилган бўлиб монополияга қарши қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш: рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор муносабатларини шаклланишига қўмаклашиш:

Монополистик мавқедаги хўжалик субъектлари томонидан товар ва молия бозорларида устунлик мавқеининг суистеъмол қилиниши олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик, ноҳалол рақобатга ва истеъмолчилар манфаатларини камситилишига барҳам бериш чора-тадбирларини кўриш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида монопол мавқедаги кор-хоналарнинг ўз маҳсулотларига юқори нарх белгилаш орқали истеъмолчиларга ўз тайзиқини ўтказиши, монополияга қарши қонунни бузишнинг асосий кўриниши ҳисобланади. Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 сентябрдаги 323 - сонли қарорига асосан корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот улуши, шу маҳсулот бўйича республика ёки маҳаллий товар бозор ҳажмида саноат маҳсулотлари бўйича 65 фоиздан, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича 35 фоиздан ошганда монополистик мавқедаги корхона сифатида давлат реестрига киритилиб⁹, ишлаб чиқарилаётган монопол турдаги маҳсулотлар нархларини корхона маҳаллий реестрга киритилганда вилоят молия бошқармасига, республика давлат реестрига киритилганда Молия Вазирлигига эълон қилиб, молия органлари томонидан нархларни асослигини кўриб чиқилиб рўйхатга олингандан кейин қўллаш тартиби жорий этилган. Нархларни эълон қилишнинг белгиланган тартиби бузилганда, монополист корхона томонидан рўйхатга олинган нархлар ўртасидаги фарқ ундириб олинади. 1997 йил 1 январдан бошлаб эса шу миқдордаги жарима ҳам қўлланади.

Бундан ташқари монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-лантириш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига республика Олий Мажлиси

⁹NORMA- ахборот ҳукуқи тизим маълумотларидан фойдаланилди.

томонидан қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси ҳам юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунитовар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб, рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиши учун шароитлар таъминлашга қаратилган.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари катнашадиган товар бозорларидаги рақобатга таъсир кўрсатувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида қуйидаги соҳаларда табиий монополиялар субъектлари фаолиятини бевосита давлат томонидан тартибга солиш назарда тутилиши мумкин:

- нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш:
- нефть, нефть маҳсулотлари ва газни магистрал қувурлар орқали узатиш:
- электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш:
- темир йўлларда йўловчи, багаж ва юк ташиш:
- порт ва аэропортларнинг хизматлари:
- ҳамма учун мўлжалланган электр ва почта алоқаси хизматлари:
- сув қувурлари ва канализация хўжалиги хизматлари.

Қонунда монополияга қарши давлат органларининг вазифалари, фаолият йўналишлари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Монополиянинг **салбий томони** сифатида қуйидаги жихатларни кўрсатиш мумкин:

1) ресурсларнинг оқилона тақсимланмаслиги. Бу ҳолат монополияларнинг юқори фойда кетидан қувиб, сунъий равишда ишлаб чиқаришни чеклаш воситасида нархларни кўтариши, маҳсулотларнинг у қадар яхши бўлмаган турларини, паст техникавий даражасини, паст сифати

ҳамда сотишнинг ёмон шароитларини вужудга келтириши орқали намоён бўлади. Натижада, рақобат шароитида амал қилувчи иқтисодиёт самарадорлигини бозор воситасида тартибга солиш механизми ишдан чиқади.

Монополиялар билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолиятлар эркин ҳамда оқилона танлов имкониятидан маҳрум бўлади, монополияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланмаган шарт-шароит ва нархлари тазйиқига чидай олмайди, иш фаоллигини пасайтириб, баъзи ҳолларда хонавайрон бўладилар. Оқибатда ишлаб чиқариш қисқариб, ишсизлик ва инфляция ўсади, хўжаликнинг издан чиқиши кучаяди. Жамият бойлиги ресурсларнинг оқилона рақобатли-бозор тақсимооти шароитида қўлга киритилиши мумкин бўлган миқдорига қараганда камайиб кетади;

2) даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши. Бу ҳолат ҳам нархларнинг монопол тарзда оширилиши (пасайтирилиши) ҳамда юқори фойда олиниши билан боғлиқ бўлиб, бу аҳоли қолган қисми даромадларининг нисбатан камайишига олиб келади;

3) иқтисодий турғунлик ва фан-техника тараққиётининг секинлашуви. Бундай ҳолатнинг вужудга келиши монополистларнинг рақобатчилар босимини сезмасликлари ҳамда аксарият ҳолларда юқори фойдани қўшимча уринишларсиз ўзларининг бозордаги ҳукмронликлари ҳисобига олишлари мумкин. Бу эса уларни ишлаб чиқаришни рационаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини қидириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг ассортиментини кенгайтириш, ФТТни ривожлантириш ва харидорлар манфаатлари тўғрисида қайғуриш каби хатти-ҳаракатлардан қайтаради;

4) иқтисодиётда демократик ҳаракатларнинг тўсиб қўйилиши. Монополистлар иқтисодиётдаги эркин ва ҳалол рақобатга тўсқинлик қилиб, нисбатан кучсиз бўлган корхоналарни ўзларига бўйсундиришлари, жамиятга ўз ишчиларининг меҳнатига пасайтирилган миқдорда ҳақ тўлаш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқариш, ўта даражада ошириб юборилган сотиш

нархлари (ёки пасайтирилган харид нархлари), ўз маҳсулотини истеъмол қилишга билвосита усул орқали мажбурлаш каби ўзларининг камситувчи шартларини кўндаланг қўйишлари мумкин.

Бундан кўринадики, монополистик фаолият иқтисодий ривожланишига анча жиддий таъсир кўрсатиши, тараққиёт йўлига ғов бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, бугунги кунда деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб, бу монополияга қарши сиёсат деб аталади. Давлатнинг монополияга қарши сиёсати асосини монополияга қарши қонунчилик ташкил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган бўлади.


3.Монополияга қарши бошқарувнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари.

Монополия ва унга қарши сиёсат ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиёти тараққиёти учун муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат кесимида монополияга қарши курашиш ва рақобатни ривожлантиришнинг ўзига хос иқтисодий-ҳуқуқий механизмлари шакллантирилган бўлиб, ушбу механизмлар ҳар бир мамлакатлар иқтисодий шарт-шароитлари нуқтаи назардан оптимал самарадорликка эгадир.

Монополияга қарши курашиш ва рақобатни ривожлантириш бўйича қонунчиликни шакллантириш в уни тизимли равишда ташкил этишдан асосий мақсад биринчи навбатда озор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик муҳити учун етарли шарт-шароит яратиб бериш ҳисобланади. Шунингдек, бизнесда капиталларнинг маълум соҳалардаги концентрацияси маълум соҳаларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратса, бошқа тармоқ ёки соҳалар учун етарли шарт-шароит яратиб бермайди. Пировард натижада макродаражада товарлар ва хизматларнинг барқарор истеъмоли билан боғли нисбатлар бузилади.

Шунинг учу ҳам ҳар бир мамлакатда монополияга қарши курашиш бўйича ўзига хос тизимлаштирилган механизм шакллантирилган.

Умуман барча малакатларда монополияга қарши бошқарувнинг қуйидаги усуллари мавжуддир.



1.4-расм. Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши бошқарувни ташкилий усуллари¹⁰

АҚШда 19 асрнинг 1890йиллари биринчи бирлашиш юзага келди. Ушбу бирлашув металлургия соҳасидаги “Стандарт-ойл”, автомобил соҳасида “Дженерал -моторс”да юзага келди.

Бирлашишнинг 2 тўлкини 1929-33 йилларида иқтисодий инқироз даврида содир бўлди. Бу ерда картель ва синдикатлар пайдо бўлган бўлиб, бундай бирлашув асосан фаолиятнинг алоҳида соҳаларида капиталнинг концентрациялашуви орқали маълум соҳадаги интеграцион жараёнлар орқали содир бўлди. Монополистик бирлашувлар алюминий, шиша соҳасида соҳасида юзага келди. Картеллар халқаро бозорда ўз ўрнига эга бўлди, унда асосан банклар ва инвестицион компаниялар иштирок этди. Лекин шунинг натижасида йирик капиталларни шаклланиши юзага келди.

1940-42 йилларда концернлар юзага келди. 2 жаҳон урушидан сўнг эса

¹⁰Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

конгломератлар юзага келди. 1939-45 йиларда йирик монопол корхоналарда шўъба корхоналарни очиш амалиёти кулланила бошлади. Конгломератнинг шаклланишида алоқа, фан ва бошқа ишлаб чиқаришнинг бирлашуви содир бўлди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштирди. Лекин бошқарувда доимий муаммолар юзага келди, уларни ечишнинг тупрли усуллари жорий этилди. Шу даврда айрим ривожланмаётган соҳалардан монопол корхоналарга пул оқимлари тез оқиб келиниши билан ифодаланди.

1980-998 йилларга келиб трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон бозоридаги роли ошди ва жаҳон экспортида уларнинг улуши 40%ни ташкил этган бўлса, 80% технологияларни алмашилиш жараёни вужудга келди. Хаттоки айрим ТМК ларнинг йиллик айланмаси айрим мамлакатларнинг ЯИМ ҳажмидан юкори бўлганлиги аниқланди.

1999йилларда ТМК халқаро масштабда монопол корхона бўлиши хавфи пайдо бўлди. Асосан улар картель шаклида юзага келди. Уларнинг штаб квартираси маълум бир мамлакатларда шаклланиши бошланди. Кейинчалик уларнинг таркибида банкларни, инвестицион ва сугурта компанияларнинг ҳам улуши купая бошлади.

Иқтисодий адабиётларда бирламчи трансмиллий корпорациялар миллий акциядорлик компанияси доирасида шаклланиб, назорат пакети унинг қўлида бўлган бўлса, кейинчалик улар ўз филиал ва шўъба корхоналарини бошқа мамлакатларда оча бошлади («Дженерал моторс», «Форд», «Ай-Би-Эм» и Швейцария озиқ овқат концерн «Нестле» ва бошқалар)

Иккинчи гуруҳда кўп миллатли корпорациялар (КМК) пайдо бўлиб, унда ҳар хил мамлакатлардан халқаро фирмаларнинг бирлашиш иштиёқи пайдо бўлди. (Англо-Голланд кимё-технологик концерн «Юнилевер», Англо-Голланд концерн «Ройял Датч-Шелл», Итало-Француз автомобиль концерн «Фиат-Ситроен».)

Учинчи гуруҳда халқаро корпоратив уюшмалар яъни консорциум кўринишида шаклланди. Унда ишлаб чиқариш, фан, техника, тижорат корхоналари, банклар бирлашуви кузатилди. Бунга мисол тариқасида

”Эйрбас индастри консорциум” ни келтириш мумкин.

Ҳозирги замонавий шаритларда хорижий мамлакатладаги монополистик фаолиятнинг асосий замонавий шакларидан бири бўлган трансмиллий корпорацияларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- кўпмиллатли (швейцария концерни «Нестле») компаниялар;
- мультимиллий (пример: Англо-Голланд «Ройял Датч-Шелл» корпорацияси);

- консорциумлар (узоқ муддатли махсус капитал бирлашуви яъни кўп хажмли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида)

- молия-саонат гуруҳлари унда 1150 филиаллар, шўъба корхоналар, молия-кредит ташкилотлари қатнашиб, 5 млн киши ишлайди (Россия корхоналаридан «Урал завод», «Нижегородские автомобили», «Донинвест»).

1997йилларда 500 ТМК 76% жаҳондаги барча машина бутлаш маҳсулотларини сота бошлади, 80% электроника ва кимё маҳсулотларини, 95% фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқди.

2006 йили эса 300 трансмиллий корпорациялар жаҳон ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги улуши 75% ташкил этди. Бу ўз навбатида ушбу йирик корпоратив тузилмалар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, маълум товарлар устидан нархлар воситасида ўзаро келишув ва бошқа монополистик фаолият соҳалари бўйича ҳам келишувнинг содир бўлиши учу шарт шароит яратиб берди.

Хорижий мамлакатлардаги бундай йирик интеграцион жараёнларни вужудга келиши, ҳар бир мамлакатлар миллий иқтисодиётида монополистик ишлаб чиқариш жараёнининг кучайишига олиб келди ва натижада уларнинг устидан самарали назорат тизимни шакллантиришга эҳтиёж туғилди.

Халқаро монополиянинг пайдо бўлиши ишлаб чиқаришни байнаминаллаштириш, миллий давлат чегараларини бирлаштириш ва пировард натижада ягона тарифлаштириш сиёсатини авж олишга олиб келди. Пировард натижада алқаро монополиянинг бир қатор салбий омилларини пайдо бўлдики, улар жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциясида

ўзига хос тўсиқларни вужудга кетирди:

1. Ўзаро келишув натижасида товарлар ва хизматлар бозоридаги конъюнктурага таъсир этиш. Тўйинган ва тўйинмаган бозорларни шакллантириш орқали нархларни сунъий равишда бошқариш имкониятларига эга бўлинади.

2. Маълум товарлар бозоридаги нарх сиёсати орқали товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини норасмий бошқариш тизими шакллантирилади.

3. Ишлаб чиқаришда бюрократиянинг ривожланиши ва натижада ҳозирги замонавий иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда умумий иқтисодий тараққиётга салбий таъси этади. Шунингдек, маълум соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларнинг бозорларга кириб боришидаги тўсиқлар вужудга келади.

4. Маълум товар ишлаб чиқарувчилар ёки тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари ўртасидаги ижтимоий низоларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Юқоридаги ҳолатлар барча хорижий мамлакатлар кесимида монополияга қарши бошқарув тизимини шакллантиришга эҳтиёжни вужудга келтирди. Монополияга қарши бошқарувнинг хорижий мамлакатларда шаклланган тизими ҳар бир мамлакат иқтисодиёт тузилмасининг хусусиятлари, шарт-шароитлари билан боғлиқдир.

Россияда биринчи марта табиий монополия буйича Қонун 1994 йили ишлаб чиқилган уни тузишда Россия алоқа вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Атом ишлари вазирлиги, “Газпром”, Россия Иқтисодиёт вазирлиги қатнашган. Кейинги йилларда яъни 1996йили 17 августда “Газпром” компанияси атрофида турли можаролар бошланган бўлиб, ушбу можаро Россия иқтисодиётида ўзига хос Табиий монополия ҳисобланган “Газпром” компаниясининг нарх сиёсати натижасида унга нисбатан жорий этилган барча солиқ имтиёзлари бекор қилинди ва бюджетдан ташқари фондларини шакллантириш учун руҳсат берилмайдиган бўлди. Умуман кейинги йилларда Россия иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятли жиҳатлари реал секторда фаолият юритувчи йирик корпоратив тузилмалар фаолияти миллий

иқтисодиётнинг асосий таянчига айланиб борганлиги билан изоҳланди. Хусусан, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида тобора кескинлашиб бораётган энергетика ресурслари тақчиллиги ва унга нисбатан эҳтиёжнинг ортиб бориши айрим мамлакатлар қатори россия иқтисодиётининг ҳам бир томонлама ривожланиши учун шарт шароит яратиб берди. ОАЖ “Газпром”, “Лукойл”, “Роснефть”, “Норильскникель” ва бошқа йирик компаниялар табиий монополия сифатида фаолият юритиб улар нафақат ички бозорда, балки халқаро бозорларда ҳам энергетика ресурслари халқаро бозорида ҳам монопол мавқега эгадирлар. Масалан, ОАЖ “Газпром” Дунёда ишла чиқариладиган газнинг қарийиб 20%ини беради. Шу билан бир қаторда бутун Европани газ билан таъминлашда икки мамлакат яъни Россия ва Норвегия етакчилик қилади. Бунда ОАЖ “Газпром” етакчи газ етказиб берувчи компания ҳисобланади. Кейинги йилларда энергетика ресурслари бозорида Россиянинг йирик компаниялари етакчилик қилаётганлиги қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ҳам кўришимиз мумкин.

1.1-жадвал

2012 йилдаги дунёнинг етакчи нефть ишлаб чиқарувчи компаниялари¹¹

№	“Роснефть” ТНК-ВРкомпаниясининг 50% акциясини сотиб олгунга қадар	“Роснефть” ТНК-ВРкомпаниясининг 50% акциясини сотиб олгандан сўнг	Қазиб чиқариш хажми
1.	Saudi Aramco	Saudi Aramco	12,5
2.	Газпром	Газпром	9,7
3.	National Iranian oil	National Iranian oil	6,4
4.	ExxonMobil	ExxonMobil	5,3
5.	PetroChina	Роснефть	4,6

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, кейинги йилларда жаҳон нефть бозорида етакчи мавқега эга бўлган компаниялар қаторида россиянинг ОАЖ “Газпром”, Роснефть компаниялари киритилган бўлиб, улар нефть

¹¹www.vestifinance.ru– сайти маълумотлари асосида шакллантирилди.

ишлаб бозорида ўзига хос монопол мавқега эгадир. Айниқса, 2012 йилдаги энг йирик ишбилармон воқеалардан бири бўлган Роснефть компанияси томонидан ТНК-BP50%акциясини сотиб олиш бўйича тузилган шартнома, ушбу маҳсулотлар бозоридаги конъюктурага Россия компанияларининг таъсир кучини кучайтирди.

Россияда антимонопол қонунчиликнинг олдидаги асосий муаммолардан бири монопол фаолияти чеклашга қаратилган чора тадбирлар натижасида йирик корпоратив тузилмаларнинг фаолиятини чекланиши миллий иқтисодиётга салбий таъсир кучи кучли бўлиши билан боғлиқдир. Хусусан, йирик корпоратив тузилмалари томонидан тўланадиган солиқлар федерал бюджет даромадлар таркибида асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун монополияга қарши қонунчиликнинг чегаравий меъзонлари ушбу табиий монополиялар фаолиятига жиддий зарур этказмаслиги даркордир.

1996йили 17 октябрда Украина ва Россия ўртасида электроэнергетика соҳасида нархларнинг ошиши натижасида “Европа электрэнергия жанги” муаммолари вужудга келди ва кўп монополия корхоналарининг молиявий ночорлашувига олиб келди.

Америкада шакллантирилган монополияга қарши тизими Аргентинада, Англия тартиблари аксарият Европа мамлакатларида, Австралияда, Янги Зеландияда жорий этилган.

1883 йили 1- антитрест Қонуни Алабамада, 1889-1890 йилларда АҚШда, 1973й Англияда Закон о добросовестности”, 1977й “Кайта сотиш нархлари” қонуни, 1980й “Рақобат тўғрисидаги” қонун қабул қилинган.

Одатда АҚШдаги монополияга қарши қонунчилик нисбатан илгарироқ ва мукамалроқ ишлаб чиқилган, деб ҳисобланади. У қуйидаги учта қонунчилик ҳужжатларига асосланади:

1. Шерман қонуни (1890 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдони яширин монополлаштириш, у ёки бу тармоқдаги якка назоратни қўлга олиш, нархлар бўйича келишувларни тақиқлайди.

2. Клейтон қонуни (1914 йилда қабул қилинган). Бу қонун маҳсулот

сотиш соҳасидаги чекловчи фаолиятларни, нарх бўйича камситиш, маълум кўринишдаги бирлашиб кетишлар, ўзаро боғланиб кетувчи директоратлар ва бошқаларни тақиқлайди.

3. Робинсон-Пэтмэн қонуни (1936 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдо соҳасидаги чекловчи фаолиятлар, «нархлар қайчиси», нарх бўйича камситишлар ва бошқаларни тақиқлайди.

1950 йилда Клейтон қонунига Селлер-КефOVER тузатиши киритилди. Унда ноқонуний бирлашиб кетишлар тушунчасига аниқлик киритилиб, активларни сотиб олиш орқали бирлашиб кетиш тақиқланди. Агар Клейтон қонуни йирик фирмаларнинг горизонтал равишдаги бирлашиб кетишларига тўсиқ қўйган бўлса, Селлер-КефOVER тузатиши вертикал равишдаги бирлашиб кетишларга чеклов киритди.

Францияда 1986 йили “Дирижизм” Қонуни яъни давлат томонидан тартибга солиб туриш қонуни қабул қилинган. 1989й “Картель тўғрисидаги” Қонун, Австрия, Испания, Канада, Швейцария, Италия, Германияда “Инсофсиз рақобат” тўғрисидаги қонун мавжуд

АҚШда антимонополияга қарши ишларни Юстиция вазирлиги, Германияда Картель ишлари бўйича вазирлик ёки иктисодиёт вазирлиги, Францияда Умумий судлаш юрисдикция вазирлиги амалга оширади.

1-боб бўйича хулосалар.

Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асослари ва миллий иктисодиёт тараққиётидаги тутган ўрнини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Монополияга берилган тариф ва шарҳларни умумлаштирган ҳолда монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиктисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари деган хулосага келинди.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётнинг маълум тармоғи доирасидаги корхона ва фирмаларнинг йириклашувидир.

Ишлаб чиқаришнинг вертикал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётдаги бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўпланишидир.

Монополияга қарши бошқарувнинг бир қатор функционал элементларга эга бўлиб, улардан бири монополистик фаолиятни назорат қилиш ҳисобланади. Монопол корхоналар ва хусусан, табиий монополиялар устидан самарали назоратни шакллантириш, уларнинг фаолиятига оид тўғри ва аниқ ахборотларни шакллантириш жараёнига бевосита боғлиқдир.

Монополияга қарши бошқарувнинг ахборотлар таъминоти ички ва ташқи ахборотлар таъминотига бўлиниб, бошқарув жараёнининг ҳар бир босқичларига хос ахборотлар жамланади. Ушбу ахборотларни жамланишида давлат органлари, хўжалик субъектлари иштирок этадилар.

Бугунги кунда деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб, бу монополияга қарши сиёсат деб аталади. Давлатнинг монополияга қарши сиёсати асосини монополияга қарши қонунчилик ташкил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган бўлади.

II. БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ТАҲЛИЛИ

1. Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизми.

Хўжалик юритувчи субъектнинг етакчилик ҳолати белгиланганидан сўнг ушбу сегментга нисбатан монополияга қарши ишларни тартибга солишнинг мос келувчи чора-тадбирлари қўлланиши мумкин.

Етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан қўлланадиган монополияга қарши ишларни тартибга солиш муайян чора-тадбирларини танлаш ҳуқуқи қонунчиликка мувофиқ Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва ҳудудий органлари ваколатлари қаторига киритилган. Монополияга қарши ишларни тартибга солиш бўйича айрим чора-тадбирлар етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суд қарори билан қўлланиши мумкин.

Фақат етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга қўлланадиган монополияга қарши ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари гуруҳи монополияга қарши ишларни тартибга солиш чора-тадбирларининг қуйидагигуруҳларини ўз ичига олади.

Биринчи қуйигуруҳ мазмунан ҳуқуқий тақиқлар саналган қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

– монопол (жуда катта) фойда олиш учун нарх белгилашни (қўллаб-қувватлашни) тақиқлаш;

– контрагент шартнома предметида алоқадор бўлмаган ёки шартномани ҳалол ижро этишда ушбу контрагент учун фойдали бўлмаган мажбуриятларни қабул қилишида шартнома тузиш ва (ёки) ижро этишни, шунингдек, бундай шартларни мажбуран қабул қилдиришни тақиқлаш ёки уларни қабул қилишнинг эҳтимоли контрагент томонидан рад этилиши сабабли шартнома тузишдан воз кечиш;

–контрагент (истеъмолчи) улардан манфаатдор бўлмаган товарларга алоқадор қоидалар киритилиши шартларидагина шартнома тузишга акцепт беришнинг тақиқланиши;

–рақобатнинг бартараф қилиниши ёки чегараланишига, шунингдек, монопол (жуда катта) фойда олишга олиб келадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишни (ҳаракатсизликни) тақиқлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ предмети акциялар ёки улушларга бошқа мулкӣ ҳуқуқлар, етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар низом фондидаги пай ёхуд хўжалик юритувчи субъектнинг етакчилик ҳолати кучайишига олиб келадиган битимлар ҳисобланган битимларни (шартномаларни) монополияга қарши кураш органи билан албатта мувофиқлаштириш жараёни белгилаб қўйилган. Монополияга қарши кураш органидан қуйидаги битимлар (ҳаракатлар) амалга ошириш учун олдиндан розилик олиш зарур:

–хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга ошириладиган, товар бозорида худди шундай товар билан операциялар амалга оширадиган бошқа хўжалик юритувчи субъект акциялари билан белгиланган товар бозорининг 30 фоиздан ортиғини қамраб оладиган битимлар;

–исталган юридик ёки жисмоний шахс, хорижий давлат, халқаро ташкилот ёки уларнинг органлари етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар низом фондларидаги пай ёки улушларнинг 25%дан ортиғини харид қилишга йўналтирилган битимлар;


–исталган юридик ёки жисмоний шахс, хорижий давлат, халқаро ташкилот ёки уларнинг органлари етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг 25%дан ортиқ акциялари билан битимлар;

–улар натижасида исталган юридик ёки жисмоний шахс, хорижий давлат, халқаро ташкилот ёки уларнинг органларида товар бозорида етакчилик ҳолатига эга бўлган бирон-бир хўжалик юритувчи субъектнинг қарор қабул қилишига реал таъсир кўрсатиш имкони пайдо бўладиган бошқа

битимлар;

–жисмоний шахснинг товар бозорларида бир хил ишлаб чиқариш-савдо жараёни турли босқичларининг бир хил товар гуруҳлари бўйича етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрига киритилган икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг низом (рахбар) органларига киришига (сайланиши, тайинланиши) йўналтирилган битимлар (ҳаракатлар).

Монополияга қарши ҳуқуқларни чегаралаш чора-тадбирлари қаторига монополияга қарши ишлар органининг етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект маҳсулотларига нисбатан назорат қилинадиган нархлар белгилаш бўйича ваколатларини киритиш мумкин.



2.1-расм. Монополияга қарши ишларни тартибга солишдаги назорат чораларининг элементлари¹²

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш қонунчилик билан монополияга қарши ишлар органи ваколатлари доирасига киритилган.

Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланадиган монополияга қарши ишларни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўртинчи

¹²Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қуйиғуруҳи жарима чораларини ўз ичига олади.

Биринчи навбатда, ушбу қуйиғуруҳга хўжалик юритувчи субъект товар бозорида ўзининг етакчилик ҳолатини суиистеъмол қилган ҳолларда уни мажбурий қайта ташкил қилиш каби ташкилий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси киритилади.

Ушбу чорани қўллаш қонунчилик билан монополияга қарши ишлар органи ваколатлари доирасига киритилган.

Етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларни улар таркибидан битта ёки бир нечта янги субъектларни ажратиш ёки тақсимла йўли билан мажбурий қайта ташкил қилиш қуйидаги шартларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

–корхоналар, структурали бўлинмалар ёки структурали бирликларни ташкилий ва (ёки) ҳудудий ажратиш имкониятлари;

–корхоналар, структурали бўлинмалар ёки структурали бирликлар ўртасида мустаҳкам технологик ўзаро алоқалар йўқлиги;

–тор предметли ихтисослашув доирасида корхоналар, структурали бўлинмалар ёки структурали бирликлар фаолият соҳасини белгилаш;

–иқтисодий ёки сиёсий характерга эга бўлган бир қатор сабабларга кўра бошқа контрагентларни мос келувчи товар бозорларига жалб қилиш имконияти йўқлиги.

Товар бозорида етакчилик ҳолати унинг хусусияти худди шундай товарлар даражасидан устун келадиган товар чиқаришни ташкил қилиш натижасида юзага келган бўлса, монополияга қарши ишлар органининг мажбурий қайта ташкил қилиш ҳақидаги қарори, агар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки Президент фармонларида ўртача ҳолат кўзда тутилган бўлмаса, товар бозорида ушбу товар пайдо бўлган пайтдан бошлаб бир йилдан кам бўлмаган муддатда қабул қилиниши мумкин.

У ёки бу товар бозорининг монополлашуви ушбу бозорда рақобатни бартараф қиладиган ёки чегаралайдиган ҳаракатларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлари етакчилик ҳолатига эга бўлмаган ҳолларда

хам ўринга эга бўлиши мумкин. Рақобатнинг бартараф қилиниши ёки чегараланиши етакчилик ҳолатига эга бўлмаган бир нечта хўжалик юритувчи субъекти томонидан бозорни бўлиб олиш ҳақида, келишиб олган ҳолда нархларни ошириш ёки пасайтириш ҳақида монопол битимлар тузиш ва амалга ошириш воситасида, шунингдек, уларнинг рақобатни бартараф қилиш ёки чегаралаш учун ушбу субъектлар фаолиятини мақсадлаштириш мақсадида ташкил этилган хўжалик гуруҳларидаги иштироки воситасида эришилиши мумкин.

Айнан шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни билан уларнинг етакчилик ҳолатига эга ёки эга эмаслигидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланадиган монополияга қарши ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари гуруҳи белгиланган.

Ушбу гуруҳдаги чора-тадбирлар иккита қуйигуруҳга тақсимланади.

Биринчи қуйигуруҳдаги чора-тадбирларни ҳуқуқий тақиқлар ташкил қилади.

1.Товар бозорини бўлиб олиш ҳақидаги монопол битимларни (келишилган ҳаракатларни) тузиш ва амалга оширишнинг тақиқланиши.

Товар бозорини бўлиб олиш ҳақидаги битимлар қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

а) товар бозорини ҳудудий тамойил бўйича бўлиб олиш ҳақида битим. Бундай битимлар товар бозорининг у ўз маҳсулотини шу доирада сотиши лозим бўлган географик чегаралари доирасида белгиланган ҳудудий секторнинг ҳар бир субъектга бириктириб қўйилишини кўзда тутади;

б) товар бозорини битим турлари бўйича бўлиб олиш ҳақида битим. Бундай битимлар хўжалик юритувчи субъектларнинг битта турдаги битимлар асосида маҳсулот сотиш бўйича мажбуриятлар қабул қилишини кўзда тутади, ушбу маҳсулот бир нечта турдаги битимлар предмети бўлиши мумкин ва хўжалик юритувчи субъектларда уларни ашиш имконияти бўлади;

в) бозорни битимлар ҳажми бўйича бўлиб олиш ҳақида битим. Бундай

битимлар хўжалик юритувчи субъектларнинг уларда ўз маҳсулотини турли миқдорда сотиш учун реал имконият мавжудлигида уларнинг ҳар бири белгиланган ва битимнинг бошқа қатнашчилари билан олдиндан келишилган миқдорда маҳсулот сотиши бўйича мажбуриятлар қабул қилишини кўзда тутди;

г) бозорни истеъмолчилар доираси ва маҳсулот сифати бўйича бўлиб олиш ҳақида битим. Бундай битимлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу субъектларда сифат даражаси турлича бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконияти мавжудлигида уларнинг ҳар бири белгиланган тўлов лаёқатига эга бўлган истеъмолчилар доирасига фақат белгиланган сифат даражасидаги маҳсулот сотиш бўйича мажбуриятлар қабул қилишини назарда тутди.

2. Нархларни келишиб олган ҳолда пасайтириш ёки кўтариш ҳақида битимлар (келишилган ҳаракатлар) тузишнинг тақиқланиши.

Маҳсулот нарҳини келишиб олган ҳолда пасайтириш ҳақидаги битимлар битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни товар бозори киритмаслик ёки сиқиб чиқаришга йўналтирилади. Ушбу битимни амалга ошириш механизми шундан иборатки, бир нечта хўжалик юритувчи субъект бозорда битта ёки бир нечта янги хўжалик юритувчи субъект пайдо бўлган пайтда келишиб олган ҳолда улар сотаётган маҳсулот нарҳини пасайтирадилар. Янги хўжалик юритувчи субъектлар нарх даражасини бунчалик арзон ушлаб туриш учун иқтисодий имкониятларга эга бўлмайди. Натижада уларнинг маҳсулоти ушбу товар бозорида талаб топмайди ва бу субъектлар бозордан сиқиб чиқарилади. Янги хўжалик юритувчи субъектлари бозордан сиқиб чиқарилгач, нархларни келишиб олган ҳолда пасайтиришда иштирок этган субъектлар ўз маҳсулотлари нарҳини вақтинчалик арзон ушлаб туриш билан боғлиқ кўрилган зиёни қоплаш учун келишиб олган ҳолда нархларни оширадилар.

Монополистик битимларнинг (келишилган ҳаракатларнинг) кўриб чиқилган ва бошқа айрим турлари улар амалга оширилган ҳолатда қуйидаги

манфаатдор субъектларнинг даъво аризаси бўйича хўжалик суди томонидан қонуний қучга эга бўлмаган деб тан олинishi мумкин:

- монополияга қарши ишлар органи;
- уларнинг қонуний манфаатлари ушбу битимлар билан зиён етказилган хўжалик юритувчи субъектлари;
- истеъмолчилар;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари.

3. Ғирром рақобатни амалга оширишнинг тақиқланиши.

Ғирром рақобат деганда уларни йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик ҳуқуқий муносабатлари ҳалол қатнашчилари олдида қонуний қучга эга бўлмаган афзалликлар тақдим этадиган қонунчиликнинг бузилиши билан амалга ошириладиган рақобат тушунилади.

Ғирром рақобат қуйидаги шаклларда акс этиши мумкин:

–хўжалик фаолиятида интеллектуал мулк объектларидан (ихтиролар, фойдали моделлар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи объектлари ва б.) қонунга ҳилоф равишда (муаллиф ҳуқуқига эга бўлганлар билан шартнома муносабатлари ўрнатмасдан) фойдаланиш. Бундай фойдаланиш ғирром хўжалик юритувчи субъектга қонунчиликка мувофиқ, интеллектуал мулк эгасига муаллифлик ёки лицензия шартномаси бўйича тўлаши лозим бўлган пул маблағларини қонунга ҳилоф равишда бўшатиш имконини беради. Шу тариқа бўшатишган пул маблағларини ғирром фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кенгайтириш ва ҳ.к. мақсадларга йўналтириши мумкин бўлиб, бу унга интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқни муаллифлик ёки лицензия шартномалари бўйича пул маблағлари сотиб олган субъектлар олдида асоссиз рақобатли устунликлар ҳадя этади;

–бошқа хўжалик юритувчи субъект товарларининг ташқи қиёфасидан нусха олиш. Бундай ҳаракат ҳам хўжалик юритувчи субъектга асоссиз рақобатли устунлик бериши мумкин. Унинг маҳсулоти ўз хусусиятлари туфайли эмас, балки бу ушбу субъектнинг эмас, ўз маҳсулотларини товар

бозорларида яхши томондан кўрсатган бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулоти деб ҳисоблаши мумкин бўлган истеъмолчиларнинг янглишиши туфайли талаб юқорилигидан фойдаланиши мумкин;

—маҳсулотнинг инсофсиз (фирром) реклама қилиниши. Бундай реклама эътиборни асосан бошқа муайян хўжалик юритувчи субъектларнинг худди шундай маҳсулотлари салбий хислатларига қаратиш ҳисобига хўжалик юритувчи субъект маҳсулотларининг ижобий хислатларини намоёйиш воситасида амалга оширилади. Ушбу реклама улар учун реклама қилинаётган маҳсулотнинг реклама қилинаётган афзалликлари аҳамиятига ҳам, рекламада кўрсатилган рақобатчилар маҳсулотларининг камчиликларига ҳам нотўғри баҳо бериши туфайли фирромчи субъект маҳсулотларига талабни ошириши мумкин.

Кўриб чиқилган ҳуқуқий чекловлар билан бир қаторда монополияга қарши ишларни тартибга солиш чора-тадбирларининг кўриб чиқиладиган гуруҳига мазмунан ҳуқуқий чекловлар саналган чора-тадбирлар ҳам киради.

Масалан, юридик шахслар бирлашмасини ташкил қилишнинг монополияга қарши кураш органи билан келишиб олиш жараёни.

Монополияга қарши ишларни тартибга солиш чора-тадбирларнинг кўриб чиқиладиган гуруҳи иккинчи қуйи гуруҳига жарима чоралари киради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Кодексида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган:

—монополияга қарши қонунчиликни бузиш. Ушбу қонунчиликни бузиш деб, юқорида айтиб ўтилган кодексга кўра, юридик шахс, давлат органи ёки бошқа бошқарув органининг мансабдор шахси монополияга қарши ишлар органи кўрсатмаларини бажаришдан бош тортиши ёки уларни ўз вақтида ва тўлиқ бажармаслиги, ёхуд бу органларга ўз функцияларини амалга ошириши учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ёлғонлиги олдиндан маълум бўлган ахборот тақим этиши тушунилади;

—рақобатни чегаралаш. Рақобатни чегаралаш дегандаякка тартибдаги

тадбиркорлар ёки юридик шахсларнинг мансабдор вакиллари бозорларни бўлиб олиш, рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқариш, шунингдек, рақобатни жиддий чегаралайдиган бошқа шароитлар яратиш ҳақида битимлар тузиши ва амалга ошириши, ёки худди шундай фаолият юритувчи бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларини камситишга йўналтирилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши тушунилади.

4. Қонуний монополистик фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш.

Умумий қоидага кўра, монополистик фаолият ғайриқонуний ҳисобланади, бироқ ушбу қоидадан истиснолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида «Табиий монополиялар тўғрисида»ги ва «Рақобат тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари билан монополистик фаолиятнинг бир қатор турлари белгиланган бўлиб, ушбу қонунлар монополистик фаолиятни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳисбланади.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи тегишли давлат органи томонидан муайян табиий монополия субъектига нисбатан ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларидан шарт тутилган тартибга солиш усуллари қўллаш тўғрисидаги қарор ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар сифатини ошириш ва уларга бўлган талабни қондиришдаги рағбатлантирувчи роли ҳисобга олинган ҳолда унинг фаолиятини таҳлил қилиш асосида қабул қилинади. Бунда сарф-харажатларнинг қанчалик асосли эканлиги баҳоланади ва қуйидагилар ҳисобга олинади:

- товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) чиқимлари, шу жумладан иш ҳақи, хом ашё ва материаллар қиймати, қўшимчалар, харажатлар;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, уларни такрор ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган инвестицияларга бўлган эҳтиёж, ҳамда амортизация ажратмалари;
- товарлар турли нархларда (тарифларда) реализация қилиниши эҳтимолидан кутилаётган фойда;

- истеъмолчилар турли гуруҳларининг товарлар ишлаб чиқариладиган жойдан олислиги;

- ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар сифатининг истеъмолчилар талабига мувофиқлиги;

давлат дотациялари ва давлат ёрдамининг бошқа чора-тадбирлари.

Муайян табиий монополия субъектининг фаолиятини тартибга солиш усуллари қўллаш тўғрисида қарор қабул қилаётганда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган табиий монополия субъекти товарларининг истеъмолчилари тақдим этган ахборотни ҳам кўриб чиқади.

Табиий монополия саналган соҳаларда маҳсулот сотиш битта хўжалик юритувчи субъект ёки қалин ташкилий ўзаро алоқалар туфайли бир-бири билан рақобат қилмайдиган бир нечта хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга ошириши сабабли табиий монополиялар субъектларига қонунчиликда етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга қараганда қаттиқроқ чекловлар ва тақиқлар белгиланган. Чунки етакчилик ҳолатига эга бўлган битта ёки бир нечта субъект фаолият кўрсатаётган товар бозорида истеъмолчиларда ўз талабини бошқа хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулотлари ҳисобига қондириш имкони мавжуд. Табиий монополиялар соҳасига мансуб товар бозорида истеъмолчи ўзининг истеъмол талабини фақат битта хўжалик юритувчи субъект маҳсулотлари ёки у билан ўзаро боғлиқ бўлган шахсларнинг маҳсулотлари ҳисобига қондириши мумкин.

Шу сабабдан табиий монополиялар субъектларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқий чекловлар белгиланган:

–табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш (сотиш) имкони йўқлигига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширишнинг тақиқланиши;

–табиий монополия шароитларида бундай товарлар ишлаб чиқариш (сотиш) имокнияти мавжудлигида алоҳида истеъмолчилар билан товар ишлаб чиқариш (сотиш) шартномалари тузишдан бош тортишнинг тақиқланиши. Шу тариқа, етакчилик ҳолатига эга бўлган хўжалик юритувчи

субъектлардан фарқли равишда, табиий монополия субъектлари қонунчиликда шартнома тузиш улар учун ҳуқуқ эмас, балки мажбурият саналган субъектлар қаторига киритилади;

–табиий монополия шароитларида ишлаб чиқариладиган (сотиладиган) товарларга эга бўлиш шартларининг истеъмолчиларга мажбуран ўтказилишининг тақиқланиши.

Кўрсатилган ҳуқуқий чекловлар билан бир хил сабабларга кўра табиий монополиялар субъектларига қонунчилик билан қатор ҳуқуқий чекловлар ҳам белгиланади.

Ушбу субъектлар табиий монополиялар субъектлари фаолиятини тартибга солувчи органга қуйидаги ҳаракатларни бажаришга розилик бериши ҳақида маълум қилишлари шарт:

–улар натижасида табиий монополиялар субъекти асосий воситаларга эгалик ҳуқуқига ёки табиий монополиялар шароитларида товар ишлаб чиқариш (сотиш) учун мўлжалланмаган асосий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладиган ҳар қандай битимлар тузиш, агарда бундай асосий воситалар қиймати охириги баланс бўйича табиий монополия субъекти соф активлари қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлса;

–қонунчилик билан табиий монополиялар субъектларининг фаолият соҳасига киритилмаган товарлар ишлаб чиқаришга (сотишга) инвестициялар киритиш, агарда ушбу инвестициялар ҳажми охириги баланс бўйича табиий монополия субъекти соф активлари қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлса;

–уларнинг натижасида юридик ёки жисмоний шахс баланс қиймати охириги баланс бўйича табиий монополия субъекти соф активлари қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлган табиий монополиялар субъекти асосий воситаларининг бир қисмига эгалик ҳуқуқига эга бўладиган ҳар қандай битимларни амалга ошириш.

Кўриб чиқилган чекловлар ва тақиқлардан мақсад табиий монополиялар субъектлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш ёки тўхтатиш имкониятини минималлаштириш, шунингдек, ушбу истеъмолчилар билан

шартнома тузишдан бош тортиш воситасида табиий монополиялар субъектлари томонидан алоҳида истеъмолчилар ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

2. Монопол корхоналарнинг маҳсулотларига нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш

Юқоридаги параграфларимизда кўриб ўтганимиздек, антимонопол сиёсат ва монопол корхоналарни фолитини тартибга солишда нархлар воситасида тартибга солиш тизимидан кенг фойдаланилади.

Нархларни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш монополистик корхоналар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари, товарлари ва хизматларига нисбатан қўлланилади. Шунингдек, нархлари ҳукумат томонидан ёки ўз ваколатлари доирасида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари, товарлари ва хизматларига нархларни шакллантиришда қўлланилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат маблағлари ёки ҳукумат кафолатлари остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминладиган қурилиш объектларида фойдаланиладиган товарларига (ишлар ва хизматлари) нисбатан қўлланилади.

Нархларни давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий мақсади демпинг нархларни белгилаш харидоргир маҳсулотларга нархлар асоссиз оширилиши, устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз натижасига кўра рақобатнинг чекланишига ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари камситилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа суистеъмолчиликларнинг олдини олиш, чеклаш ва уларга барҳам бериш мақсадида монополистларнинг маҳсулотларига тарифларни давлат томонидан тартибга солиш ҳисобланади.

Давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрига киритилган пайтда амалда бўлган ва хўжалик юритувчи субъект маҳаллий ёки республика бозорларида улар бўйича монополист ҳисобланган маҳсулотга шартномавий нархлар ёки рентабеллик оширилиши тўғрисида асосий истеъмолчи билан янги нархлар келишилгандан кейин тегишли молия органларига декларация тақдим этадилар.

Монополист корхоналар томонидан нархларнинг пасайтирилиши мустақил амалга оширилади. Бунда рақобатни чеклаш мақсадида монополист томонидан шартномавий нархлар ва тарифлар пасайтирилишига йўл қўйилмайди.

Бир хил маҳсулотнинг ўзи бир неча истеъмолчига етказиб берилган тақдирда, унга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг камида 50 фоизи сотилаётган асосий истеъмолчи бўйича нархлар ошиши, ёки ҳаммаси бўлиб мазкур маҳсулотларнинг камида 50 фоизи сотиладиган бир неча истеъмолчи бўйича олдинги ойда шаклланган ўртача нархлар тўғрисида декларация тақдим этилади.

Монопол маҳсулотларга нархлар ва рентабелликка декларация тақдим этиш тартиби Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Амалдаги қонунчилик бўйича декларация учун тақдим этилган материаллар бўйича тегишли молиявий орган бир ҳафта муддатдан кечикмай қарор қабул қилиши шарт.

Янги чекланган декларация тақдим этилган нархлар ёки рентабеллик жорий этилиши санаси этиб унинг тегишли молия органида рўйхатга олинган сана ҳисобланади. Декларация нусхаси ёки нархлар (тарифлар)ни рўйхатга олиш рад этилганлиги тўғрисидаги қарор тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда хўжалик юритувчи субъектга ва давлат монополияга қарши органига юборилади.

Монопол маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи хўжалик юритувчи

субъект молия органларидан ҳужжатлар олингандан кейин бир ҳафта муддатда истеъмолчиларни молия органлари томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Молия органларига шартномавий нархлар декларация қилиниши бўйича материалларни тақдим этган корхоналар, агар молия органлари томонидан нархларни тақдим этилган лойиҳадан паст даражада рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда истеъмолчилар билан кейинчалик ҳисоб-китоб қилган ҳолда улар билан келишилган нархлар бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишни давом эттирадилар. Агар молия органлари томонидан монополист томонидан пировард истеъмолчига эмас, балки воситачи корхоналар, ва ташкилотларга ёки савдога сотилган маҳсулотга лойиҳалаштирилаётган нархларни пасайтириш ёки илгари амалда бўлганларини сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ҳақиқатда сотилган нархлар билан рўйхатдан ўтказилган нархлар ўртасидаги фарқ суммаси қўмитага очиладиган махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Монополияга қарши давлат органи ўтказилган текширишлар ва таҳлиллар асосида хўжалик юритувчи субъект томонидан нархларни давлат йўли билан тартибга солиш тартиби бузилиши натижасида олинган суммаларни истеъмолчиларга қайтариш, ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда — махсус транзит ҳисоб рақамига ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш юзасидан судга мурожаат қилади, олиб қўйилиши керак бўлган ва амалда тушган маблағлар ва жарималар ҳисобини юритади.

Нархлар ва устамаларни шакллантириш ва қўллаш тартиби бузилишига қуйидагилар киради:

- белгиланган ва чекланган нархлар ва устамаларни ошириш;

- молия органларига нархлар тўғрисида декларация тақдим этиш ёки рентабеллик, уларнинг ошиб кетишига олиб келувчи устамаларнинг чекланган даражасини белгилаш учун ишончсиз ахборот тақдим этилиши;

- товарлар қийматига уларнинг нархида ҳисобга олинган амалда фойдаланилмаган материаллар ёки бажарилмаган ишларни киритиш;

- эркин ёки шартномавий нархлар ва тарифларнинг буюртмачи ёки пудратчи томонидан иқтисодий жихатдан асосланмаган ҳолда шакллантирилиши ва уларнинг оширилиши, давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолатлари остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминладиган қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиш.

- биржа битишувларидан ундириладиган воситачилик йиғими чекланган миқдорининг товар-хон ашё биржалари томонидан ошириб юборилиши.

- ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан алкогольли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи сотиш нархидан паст нархларда сотиш ҳтисобланади. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орыали кўришимиз мумкин.

2.1-жадвал

2012 йилда “Рақобат тўғрисида”ги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг

РЕЕСТРИ¹³

№	Хўжалик юритувчи субъект, давлат бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи номи, тюрдик манзили	Қонун бузилиши ҳолати этироф этилган ҳужжат			Қонун ҳужжатининг бузилган ҳолати	
		Монополияга қарши органнинг ваҳсус комиссияси қарори		Хўжалик судининг ҳал қилув қарори	Монополияга қарши органга ахборот тақдим этиш	Товарларга тартибга солинадиган нархлар ни шакллантириш, декларация қилиш ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартибини бузиш
		рақами	санаси			
1	"Қизилқумцимент" МЧЖ	02/2-11/36	17.08.2012	№ 10/2746 от 24.09.12	-	+
2	"Кварц" МЧЖ	02/2-08/1	30.08.2012	№ 1141 от 03.09.12	-	+
3	"Шимол газ таъминот" УҚ	02/3-11/3	06.09.2012	№ 02-07/1182 от 05.10.2012	+	-

Юқоридги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил

¹³ Манба: Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

килинаётган корхоналарда “Рақобат тўғрисида”ги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари кузатилаётган бўлиб, “Қизилқумцимент” масъулияти чекланган жамият тартибга солинадиган нархлар уларни декларация қилмасдан ёки келишиб олмасдан нархларни тартибга солувчи органларга ишончсиз маълумотлар тақдим этилиши натижасида нархнинг оширилиш ва ушбу оширилган. Худди шунингдек, Фарғона вилоятида жойлашган “Кварц” масъулияти чекланган жамият фаолиятида ҳам “Рақобат тўғрисида”ги қонун бузилиш ҳолатлари кузатилган. “Шимол газтаъминот” унитар корхонасида эса антимонопол органга ахборот тақдим этмаслик ёки кечикиб ахборот тақдим этиш бўйича қонунчилик бешилиш ҳолатлари кузатилган.

Монополияга қарши органнинг махсус комиссияси қарори асосида иш судга оширилган ва жазо белгиланган.

Маҳсулот (товарлар)нинг сотиш нархларини сотиш нархларига савдо, таъминот-сотиш, улгуржи ва бошқа устамаларни қўшиб шакллантирувчи ва қўлловчи савдо, умумий овқатланиш, таъминот-сотиш корхоналари, воситачилик ташкилотлари ва ташкилотлар учун олиб қўйилиши керак бўлган сумма қуйидагича белгиланади:

-оширилган устамалар қўлланган ҳолларда — маҳсулотлар (товарлар)ни сотишдан олинган устаманинг амалдаги суммаси билан амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ аниқланган устама суммаси ўртасидаги тафовут сифатида;

-нарх белгилашнинг амалдаги тартиби бузилган ҳолда белгиланган нархларга белгиланган устамалар қўлланилган ҳолларда — оширилган нархлар бўйича сотилган маҳсулотнинг бутун ҳажмига ҳисоблаб чиқилган устама суммаси билан амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган сотилган маҳсулотнинг худди шу ҳажмига устама суммаси ўртасидаги тафовут сифатида.

Антимонопол қонунчилик бузилганлигини мустақил равишда аниқлаган ва бунинг натижасида ортиқча сумма олган хўжалик юритувчи субъект уларни истеъмолчиларга қайтаради ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин

бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказади. Бу ҳолда жарима қўлланмайди.

Монополияга қарши қонунчилик бузилганлиги монополияга қарши орган томонидан аниқланган тақдирда 10 фоиздан 20 фоизгача миқдорда жарима қўлланади, худди шундай бузилиш жарима қўллангандан кейин бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда ушбу Тартибнинг 22-банди биринчи ва иккинчи хатбошига мувофиқ қайтариладиган (олиб қўйиладиган) сумманинг 20 фоиздан 50 фоизгача миқдорда жарима қўлланади, алкоғолли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотиш ҳоллари бундан мустасно.

Алкоғолли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага:

- ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган алкоғолли маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида, лекин белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

- айнан шу қонун бузилиши бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда — ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган алкоғолли маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида, лекин белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима қўлланади.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошида назарда тутилган жарима суммасини аниқлашда сотилган алкоғолли маҳсулот қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархи бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Жарима солиш суд тартибида амалга оширилади, тайёрловчилар (ижрочилар, сотувчилар) томонидан содир этилган қонун бузилиши айби тан олинган ва жарима ихтиёрий равишда тўланган ҳолларда эса — давлатнинг

ваколатли органи томонидан амалга оширилади.

Хўжалик фаолияти субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган миқдордаги жаримани ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополияда чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан текширилган корхоналар ва уларда аниқланган қонунбузарликлар сони¹⁴

№	Худудлар сони	Қонунбузарликлар аниқланган корхоналар сони		
		2011й. 1-ярим йил	2012 й. 1- ярим йил	2013 йил 1- ярим йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0	0	1
2	Андижон	1	2	2
3	Бухоро	1	0	0
4	Жиззах	2	0	1
5	Қашқадарё	2	0	0
6	Навоий	2	0	0
7	Наманган	1	3	1
8	Самарқанд	2	1	1
9	Сурхондарё	1	0	1
10	Сирдарё	0	1	1
11	Тошкент	0	1	0
12	Фарғона	0	0	0
13	Хоразм	0	0	1
14	Тошкентшаҳри	3	1	2
15	Қўмита томонидан текширилган	14	17	13
	Жами	29	26	25

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йил текшириш

¹⁴Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополияда чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси маълумотлари

натижасида аниқланган қонун бузарликлар сони 29 тани ташкил этган бўлса, шундан 14 та аниқланган қонунбузарликлар Қўмита томонидан ташкил этилган текширишларга тўғри келмоқда. Тошкент шаҳрида 2011 йилнинг биринчи ярмида 3 та корхоналарда монополияга қарши қонунбузардликлар аниқланган бўлса, 2012 йил биринчи ярмига келиб бу кўрсаткич 1 тани ташкил этди. Наманган вилояти 2011 йилинг биринчи ярмида текширилган ва қонунбузарликлар аниқланган корхонлар сони 1 тани ташкил этган бўлса, 2012 йил биринчи ярмига келиб ушбу кўрсаткич 3 тани ташкил этмоқда. 2013 йил биринчи ярим йилида эса жами қонунбузарликлар аниқланган корхоналар сони 25 тани ташкил этмоқда.

Ушбу қонунбузарлик ҳолатлари монополияга қарши қонунчилик, “Рақобат тўғрисида”ги қонунни бузиш, “Табий монополиялар тўғрисидаги” қонунни бузиш ва капитал қурилиш бўйича амалдаги қонунчиликни бузаш ҳолатлари орқали намоён бўлмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополияда чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан текширилган корхоналар ва уларда аниқланган қонунбузарликлар турлари тўғрисида маълумот

	Қонунбузарликлар турлари	2011 й. 1- ярим йил	2012 й. 1- ярим йил
1.	Монополияга қарши қонунчилик, “Рақобат тўғрисида”ги қонунни бузиш бўйича	15	17
2.	“Табий монополиялар тўғрисидаги” қонунни бузиш бўйича	5	2
3.	Капитал қурилиш бўйича	9	7

Жами қонунбузарлик ҳолатлари таркибида Монополияга қарши қонунчилик, “Рақобат тўғрисида”ги қонунни бузиш бўйича ҳолатлар 2011 йил 1-ярим йилликда 15 тани ташкил этган бўлса, бундай ҳолатлар 2012 йил

1 ярим йилликда 17 тани ташкил этган. “Табиий монополиялар тўғрисидаги” қонунни бузиш ҳолатлари 2011 йил биринчи ярим йилликда 5 тани ташкил этган бўлса, 2012 йил биринчи ярим йилликда 2 тани ташкил этмоқда. Албатта ушбу жадваларда мос равишда амалдаги қонунликни бузиш ҳолатлари камайиб бораётган бўлсада, мавжуд ҳолатлар монополияга қарши бошқарув тизимини янада ривожлантиришни талаб қилади. Монополияга қарши бошқарувни самарали ташкил этиш эса, унинг ички тузилмавий элементларини такомиллаштириш, модернизациялашни ҳамда монополияга қарши қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб қилади. Бундай ички тузилмавий элементлардан бири монополияга қарши бошқарувнинг мустақкам ахборотлар базасини шакллантириш ҳисобланади. Монополияга қарши бошқарувнинг ахборотлар базаси ва унинг архитектурасини навбатдаги парарафимизда кўриб чиқамиз.

3. Монопол корхоналар тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва уларни ягона реестрини юритиш тартиби.

Реестр табиий монополия субъектлари тўғрисидаги маълумотларни қоғоз ва электрон шаклларда сақловчи бирлашган ахборот базаси ҳисобланади.

Реестрни тузиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан ушбу Низом иловасида келтирилган рўйхатга мувофиқ табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган (реализация қилинадиган) товарлар, ишлар ва хизматлар (бундан кейинги ўринларда товарлар деб юритилади) бўйича амалга оширилади.

Реестрни юритиш Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан табиий монополия субъекти ва унинг хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бирлашган ахборот базасига киритиш, ушбу маълумотларни янгилаш, табиий монополия субъекти тўғрисидаги маълумотларни базадан чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Реестр республика ва ҳудудий бўлимлардан ташкил топган. Реестрнинг

республика бўлимига табиий монополия шароитида икки ва ундан ортиқ вилоятлар ҳудудларида товарлар ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган) хўжалик юритувчи субъектлар киритилади.

Реестрнинг ҳудудий бўлимига табиий монополия шароитида бир вилоят ҳудуди чегарасида товарлар ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган) хўжалик юритувчи субъектлар киритилади.

Табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган), давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ушбу давлат ёки хўжалик бошқаруви органи субъекти сифатида Реестрнинг республика бўлимига киритилиши мумкин.

Табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) асосий фаолият тури ҳисобланмаган хўжалик юритувчи субъектлар, кўйидаги алоҳида шартлар асосида Реестрга киритилади:

- табиий монополия товарларининг пировард истеъмолчиси аҳоли ва/ёки бюджет ташкилотлари ҳисобланганда;

- истеъмолчиларга етказиб берилаётган табиий монополия товарлари ҳажми шу товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 10 фоиздан ошганда;

- субабонентларга реализация қилинаётган табиий монополия товари ҳажмлари сотиб олинган товар ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган ҳолатда.

Табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган) хўжалик юритувчи субъектлар товарларни фақат ўз эҳтиёжлари ёки форс-мажор ҳолати ҳосил бўлган вазиятларда, технологик камчиликларни бартараф этиш учун, табиий ва техноген характерга эга бўлган авария ёки фавқулодда ҳолатларда ҳамда ушбу товарларни қисқа муддатларда (вақт оралиғи уч ойгача) реализация қилган тақдирда, Реестрга киритилмайди.

Реестрга табиий монополия субъектлари уларнинг ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, киритилади. Табиий монополиянинг турли

соҳаларида фаолият кўрсатувчи табиий монополия субъекти Реестрга ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида киритилади.

Табиий монополия субъектларини Реестрга киритиш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бошқа манбалардан олинган табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқарилаётганлиги (реализация қилинаётганлиги) тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Қўмита ёки унинг ҳудудий органи табиий монополия субъектини Реестрга киритиш масаласини кўриб чиқиш учун унга Қўмита томонидан тасдиқланадиган шаклдаги сўровнома юборади.

Табиий монополия субъекти сўровномани олган пайдан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан сўровномани тўлдиради ва уни Қўмита ёки унинг ҳудудий органига тақдим этади.

Табиий монополия субъектини Реестрнинг тегишли бўлимига киритиш Қўмита ёки унинг ҳудудий органи буйруғи билан расмийлаштирилади.

Табиий монополия субъектининг Реестрга киритилганлиги тўғрисидаги билдиришнома Қўмита ёки унинг ҳудудий органи томонидан Реестрга киритилган табиий монополия субъектига ва тегишли молия органига ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган буйруқ расмийлаштирилгандан кейин беш кунлик муддатда юборилади.

Табиий монополия субъекти Реестрга киритилганлиги тўғрисидаги билдиришномани олган пайдан эътиборан ўн кунлик муддатда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда табиий монополия шароитида ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар нархлари (тарифлари) ёки уларнинг энг юқори даражаларини (почта алоқаси универсал хизматларига тарифлар бундан мустасно) тасдиқлаш учун тегишли молия органига мурожаат қилади.

Табиий монополия субъекти жойлашган манзили (почта манзили), ташкилий ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами

ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда Қўмита ёки унинг ҳудудий органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Қуйидаги ҳолларда табиий монополия субъекти Реестрдан чиқарилади:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда табиий монополия субъекти тугатилганда;

- табиий монополия субъекти томонидан табиий монополия шароитида товарларни ишлаб чиқариш (реализация қилиш) тўхтатилганда, лекин табиий монополия товарларини реализация қилишни тўхтатиш вақти уч ойдан эрта бўлмаса;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ табиий монополия субъектларининг фаолияти соҳасида давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилганда.

Табиий монополия субъектини Реестрдан чиқариш Қўмита ёки унинг ҳудудий органи буйруғи билан расмийлаштирилади.

Қўмита ёки унинг ҳудудий органларининг Реестрга киритиш ёки Реестрдан чиқариш тўғрисидаги буйруқларидан норози бўлган табиий монополия субъектлари қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда судга ёки Қўмитага мурожаат қилишга ҳақлидир.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда табиий монополиларни давлат реестрига киритиш ёки ундан чиқаришнинг умумий ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2.4- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда жами 390 тан корхона табиий монополияларни давлат реестрида мавжуд бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2012 йилга келиб 404 тани ташкил этган. 2011 йилга нисбатан 2012 йилда 10 та корхона реестрдан кам жой олган.

Демак, таъкидлаш жоизки, табиий монополиялар сонининг қисқариб бориши биринчидан монополистик ишлаб чиқаришни назорат қилиш орқали миллий иқтисодиётдаги рақобат муҳити барқарорлашиб бормоқда. Бу ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини ривжлантириш, иқтисодиётдаги рақбат муҳитини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатининг пировард ижоби натижасидир.

**Хизматлар соҳаси бўйича табиий монополияларни давлат реестрига
киритиш ёки унда чиқариш бўйича маълумот**

№	Табиий монополиялар соҳаси	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 йилда 2011 йилга нисбатан фарқ
1.	Трубопроводлар бўйича нефт транспортировкиси (ОАЖ "Асакатранснефть", УК Муборакнефтегаз)	2	2	2	0
2.	Трубопроводлар бўйича газ транспортировкиси (АК Узтрансгаз, УК "Шимолгазтаъминот", УК "Ўзбегазтаъминот", УК "Ўзқазгазтаъминот", УК "Марказгазтаъминот", УК "Водийгазтаъминот", УК "Тошкентгазтаъминот", ШК "Ургенчтрансгаз", Навоий йўл қурилиш ташкилоти)	9	9	9	0
3.	Электр энергияни ишлаб чиқариш ва транспортировкиси	31	29	26	-3
4.	Ёқилғи энергетикасини ишлаб чиқариш ва транспортировкиси	50	45	46	1
5.	Темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиш (ДАТЙК "Ўзбекистон темир йуллари" и бошқа корхоналар, қайсики, ОАЖ "Охангаронцемент", МЧЖ "Туркистон локомотив")	11	26	24	-2
6.	Умумий почта алоқа хизмати (ОАЖ "Ўзбекистон почтаси")	1	1	1	0
7.	Сув хизмати ("Сувсоз" ДУК ва вилоятлардаги "Сувокова" корхоналари)	144	179	171	-8
8.	Канализация хизмати ("Сувсоз" ДУК ва вилоятлардаги "Сувокова" корхоналари)	44	3	3	0
9.	Аэронавигация хизматлари ("Узаэронавигация" маркази)	1	1	1	0
10.	Аэропорт хизматлари	12	12	12	0
11.	Транспорт терминаллари хизмати	85	107	109	2
	Жами	390	414	404	-10

Монополияга қарши бошқарувни амага ошириш учун товарлар бозорлари ва ундаги рақобат муҳити таҳлил қилинади ва ушбу таҳлил жараёни учун зарур ахборотлар қуйидаги алгоритм бўйича шакллантирилади.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, монополияга қарши бошқарувни самарали ташкил этишда ахборот оқимлари қарорлар қабул қилишнинг асосини ташкил этади.



2.2-расм. Монополияга қарши бошқарувнинг ахборот таъминоти¹⁵.


Умуман, монополияга қарши бошқарувни ташкил этишдаги ахборотларни 2 умумий босқичда жамланади. Бирламчи босқичда монополистик фаолиятга оид ташқи ахборотлар жамланади. Буларга бозорлар ва бозорлардаги маълум товарларга хос бўлган конъюнктурага тегишли ташқи ахборотлар. Бундай ахборотларга: бозор чегарасини аниқлаш, бозор субъектларини аниқлаш, хўжалик субъектларининг бозордаги улушини ҳисоблаш, бозор таркибини сифат тавсифларини аниқлаш жараёнларига оид ахборотларни жамлаш ҳисобланади.

Олинган ахборотларга асосланган ҳолда монополияга қарши фаолиятни тартибга солишнинг комбинацион вариантларини қўллаш бўйича қарорлар қабул қилинади. Масалан, амалдаги қонунчилик бўйича табиий монополия субъектларининг фаолиятини тартибга солишнинг қуйидги усуллари мавжуд.

Амадаги қонунчилик бўйича табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усуллари икки йўналишни ўз ичига олиб, улар нархлар воситасида тартибга солиш ва хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва (ёки) уларни табиий монополия субъектлари реализация қиладиган товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш орқали

¹⁵ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

тартибга солинади.



2.3-расм. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларининг ташкилий чизмаси¹⁶

Демак, табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш нархларни (тарифларни) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражасини белгилаш воситасида нархларни тартибга солиш ёки хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва уларни табиий монополия субъектлари реализация қиладиган товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш орқали тартибга солинади.

Назоратни амалга ошириш учун давлат монополияга қаршиоргани давлат ва хўжалик бошқарув органларидан ёки табиий монополиясубъектларидан тасдиқланган нархлар (тарифлар)ни ёки уларнинг энг юқори

даражаларини асослаш бўйича материалларни сўраб олишга ҳақлидир.

Белгиланган ва чекланган нархлар (тарифлар)ни ҳамда устамаларни ошириб юбориш, нархлар (тарифлар)ни белгилаш учун ёки рентабелликнинг чекланган даражасини аниқлаш учун молия органлариганотўғри ахборот бериш, уларнинг ошириб юборилишига сабаб бўлган устамаларни

¹⁶ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қўллаш, шунингдек маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қийматигауларнинг нархида ҳисобга олинган амалда ишлатилмаган материалларни ёкибажарилмаган ишларни киритиш ҳоллари монополияга қарши давлаторганидомонидан аниқланган тақдирда асоссиз олинган даромад (фойда)ни бевоситаистеъмолчига қайтариш ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш имкони бўлмагантақдирда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатниривожлантириш давлат қўмитасига очиладиган махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.5-жадвал

Табиий монополияларни давлат реестрига киритиш ёки унда чиқариш ҳудудлар кесими бўйича маълумот

№	Наименование областей	2010й.		2011 й.		2012 й.		2012 йилда 2011 йилга нисбатн фарқ
		Қорхоналар сони	Маҳсулотлар сони	Қорхоналар сони	Маҳсулотлар сони	Қорхоналар сони	Маҳсулотлар сони	
1	Қорақалпоғис тон Республикаси	9	5	10	5	11	7	1
2	Андижон	28	6	26	6	26	7	0
3	Бухоро	25	7	23	7	25	7	2
4	Джизакская	6	4	6	4	7	5	1
5	Қашқадарё	20	8	20	8	18	7	-2
6	Навоий	37	7	30	7	24	6	-6
7	Наманган	10	6	8	6	8	5	0
8	Самарқанд	19	8	15	8	14	8	-1
9	Сурхондарё	30	5	38	5	37	6	-1
10	Сирдарё	19	4	19	4	18	4	-1
11	Тошкент	64	7	73	7	71	7	-2
12	Фарғона	34	7	32	7	32	7	0
13	Хоразм	9	7	8	7	8	6	0
14	Тошкент ш.	68	7	94	7	93	7	-1
15	Қўмита томонидан текширилган	12	9	12	9	12	6	0
Жами		390	11	414	11	404	11	-10

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, табиий монополияларни давлат реестрида мавжуд корхоналар сони бўйича Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда. Хусусан, 2012 йилга келиб ушбу реестрга киритилган корхоналар сони 93 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, Сурхондарё (37), Фарғона(32) вилоятларида ҳам сезиларли миқдорни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида ҳудудий монополияга қарши бошқарув органларининг фаолиятини янада жонлантириш зарурлигини кўрсатиб беради. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан кескин фарқ Навоий вилоятида кузатилмоқда.

Ассосиз олинган даромад (фойда) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни оширилган нархлар ва тарифлар бўйича (уларга қўшимча тўлов, чегирмалар ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда) сотишдан амалда олинган тушум билан қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилган нархлар ва тарифлар бўйича айнан шу маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қиймати ўртасидагитафовут сифатида аниқланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган монополь маҳсулотларнинг айрим турлари табиий монополиялар субъектлари томонидан биржа савдоларива аукционлар орқали, шунингдек биржа (аукцион) котировкаларининг ўртача нархларига кўра тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилганда, декларация тўлдирилган чекланган нарх ошириб юборилишлиги утун уларганисбатан жазо қўлланилмайди.

Табиий монополиялар субъектлари томонидан технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан ёқилғи-энергетика ресурслари, ҳам ашё ва материалларни тежаш натижасида қўшимча даромад (фойда) олиш кура Нисомнинг бузилиши ҳисобланмайди ҳамда ушбу даромад (фойда) олиб қўйилмайди.

Махсус транзит ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ва жарималаройига икки марта қуйидаги тартибда тақсимланади:

- маблағларнинг 80 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг

республикабюджети даромадига;

- маблағларнинг 20 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Монополияданчиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқарижамғармасига

Табиий монополия субъектлари томонидан янги нархлар(тарифлар)ни ёки уларнинг энг юқори даражаларни амалга киритишмуддатларига риоя қилмаслик ҳоллари аниқланган тақдирда асоссиз олинган

даромад янгидан жорий этилган ва илгари амалда бўлган нархлартарифлар) ўртасидаги фарқнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилганиганисбатан қисқартирилган кунлар даврида сотилган товарҳажмига кўпайтиришорқали аниқланади.

Агарнизом бузилишини мустақил равишда аниқлаган ва бунингнатижасида ортиқча сумма олган табиий монополия субъекти уларниистеъмолчига қайтаради ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш имкони бўлмаган

тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг республикабюджетига ўтказади. Бу ҳолда жарима қўлланмайди.

Мазкур Низомнинг бузилиши монополияга қарши орган томонидананиқланган тақдирда ноқонуний олинган сумманинг 10 фоизидан 20фоизигача, айнан шу бузилиш жарима қўллангандан кейинги икки йилмобайнида такроран аниқланган тақдирда эса -20 фоизидан 50 фоизигачажарима қўлланади.

Жарима солиш суд тартибида, тайёрловчилар (ижрочилар,сотувчилар) томонидан содир этилган қонунни бузиш айби тан олинганда ва

жарима ихтиёри равишда тўланганда эса - монополияга қарши давлат органитомонидан амалга оширилади.

Хўжалик фаолияти субъектининг охириги ҳисобот санасидаги жорийактивлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жаримани

ундириш унгажарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берган ҳолда амалга оширилади.

2-боб бўйича хулосалар

Юқоридаги бобимизда амалга оширилган таҳлилий материаллар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ предмети акциялар ёки улушларга бошқа мулк ҳуқуқлар, етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар низом фондидаги пай ёхуд хўжалик юритувчи субъектнинг етакчилик ҳолати кучайишига олиб келадиган битимлар ҳисобланган битимларни (шартномаларни) монополияга қарши кураш органи билан албатта мувофиқлаштириш жараёни белгилаб қўйилган.

Монополияга қарши ишларни тартибга солишдаги назорат чораларининг элементлари қуйидагилардан иборат:

- етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми устидан назорат

- етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар маҳсулот сифати устидан назорат

- етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар маҳсулоти нарх даражаси устидан назорат

Нархларни давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий мақсади демпинг нархларни белгилаш харидоргир маҳсулотларга нархлар асоссиз оширилиши, устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз натижасига кўра рақобатнинг чекланишига ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари камситилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, чеклаш ва уларга барҳам бериш мақсадида монополистларнинг маҳсулотларига тарифларни давлат

томонидан тартибга солиш ҳисобланади.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, табиий монополияларни давлат реестри чиқарилиши ҳисобига назорат қилинаётган табиий монополиялар камайиб бормоқда. Бу асосан табиий монополия субъекти тугатилиши, табиий монополия субъекти томонидан табиий монополия шароитида товарларни ишлаб чиқариш тўхтатилаётганлиги ва конун ҳужжатларига мувофиқ табиий монополия субъектларининг фаолияти соҳасида давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилиши ҳисоби содир бўлмоқда.

Монополияга қарши бошқарувни самарали ташкил этишда бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарурий ахборотлар таъминоти асос ролини ўйнамоқда.

III. БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВДА АХБОРОТ ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

1. Монополияга қарши бошқарувнинг ягона ахборот базасини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар.

Ўзбекистонда монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, рақобат ва унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш шароитида асосий вазифадир.

Бозор муносабатларининг асоси сифатида рақобатни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда юрбошимиз бошчилигида улкан ишлар амалга оширилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4191-сонли Фармони билан монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ишларига бугунги кун ривожланиш реаллигидан келиб чиққан ҳолда тизимга янги талаблар қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинди.

Айни пайтда, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини, рақобат муҳитини изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштирилиши, иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш талаблари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг назорат вазифаларини қисқартирилиши, шунингдек изчил

ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги муносабатлари монополияга қарши қонунчиликни янада такомиллаштириш заруриятини белгилаб берди. Зеро, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкӣ муносабатларнинг янги шакллариинг ривожланиши натижасида бозор қўйган талабларни, яъни шаклланган муносабатларни тартиб солиш зарурияти юзага келмоқда. Бошқача айтганда, ҳозирда монополистик фаолиятни нафақат товар бозорларида, балки молия бозорларида, қимматли қоғозлар бозорида, биржа савдоларида ҳам чеклаш чораларини кўришни давлатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам талаб этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун бугунги кунда эскиргани ва замон талабларига жавоб бермай қолганлиги, шу билан бирга “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги илгари сурилди. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозимлиги, шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Авваламбор, товар бозорларидаги муносабатларни молия хизматлари бозоридаги муносабатлардан фарқини аниқлаштириш лозим. Зеро, товар бозорларида сотиш ёки алмаштиришни мақсад қилувчи фаолият маҳсуллари бўлмиш маҳсулотлар, товарлар айланади. Молия хизматлари бозорида эса

муносабатлар объекти бўлиб молия хизматлари намоён бўлади. Яъни, молия хизматлари пул маблағларини жалб этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолият ҳисобланиб, ушбу туркумга банк хизматлари, суғурта хизматлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар киришини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, мазкур муносабатлар субъектлари бўйича ҳам фарқланади. Жумладан, товар бозорларида хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этса, молия бозорларида эса молия ташкилотлари иштирок этади. Бошқача айтганда, молия ташкилотлари товар бозорларидаги хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ улар махсус ҳуқуқ лаёқатга эга бўлиб, фаолиятини лицензиялар асосида олиб борадилар. Хусусан, банклар, суғурта компаниялари, лизинг компаниялари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, молия ташкилотлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида илгари сурилган бир қатор қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади.

2. Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш масалалари

Давлат томонидан самарали рақобат сиёсати амалга оширилиши натижасида товарлар ва хизматлар бозорида монополлашиш даражаси сезиларли равишда пасайди. Эришилган натижалар асосан товарлар ва хизматлар бозорида эркин рақобатлашадиган янги хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишида намоён бўлди. Бу пировардида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. Охириги 10 йил ичида монополист-корхоналар

сони деярли 75,2% камайди, фақат 2004-2012 йиллар мобайнида монопол маҳсулотларнинг республика ЯИМ умумий ҳажмидаги улуши 26 дан 20,8% га пасайди, бу эса рақобатнинг янада ривожланганлиги ҳамда товар бозорларида устунлик мавқеини эгаллаб турган корхоналар сони сезиларли даражада қисқарганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги монополияга қарши бошқарувга оид қонун ҳужжатларида молиявий хизматлар бозоридаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган, бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермайди.

Амалдаги Қонунда “бозор”, “бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар”, “инсофсиз рақобат”, “камситувчи шартлар”, “нотўғри таққослаш”, “монопол юқори нархлар”, “монопол паст нархлар”, “шахслар гуруҳи”, “устун мавқе” каби асосий тавсифларни бир-биридан аниқ ажратиш ва тоифалаш тартиби мавжуд эмас. Амалиётда бу қонунга шарҳ беришда ва уни татбиқ қилишда муаммоларни юзага келтиради.

Шунингдек, қонун лойиҳасида умумий тавсифларни аниқлаштириш билан бир қаторда янги тушунчалар ҳам киритилди. Бундан ташқари, “устунлик мавқе”ни тавсифлаш принципини, субъектнинг товар ва хизматлар бозоридаги устунлик мавқеини ўрнатиш мезонларини аниқ ва пухта белгилаш ҳамда бозор улуши ҳажмини қисқартириш йўли билан ўзгартириш кўзда тутилган.

Қайд этилганидек, монополияга қарши қонунчиликнинг йўналишларидан бири - бу бозор субъектининг хўжалик фаолиятини юритишига таъсир кўрсатиш йўли билан товар бозорларининг монополлашувига ва рақобатни чеклашга йўл қўймаслик мақсадида хўжалик субъектининг устав капиталидаги 35% ортиқ бўлган акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларни тузиш устидан назорат олиб боришдан иборат. Активларнинг бошланғич баланс қиймати пастлиги сабабли битимларни келишиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, бундан ташқари бу

хўжалик субъекти ва монополияга қарши орган ресурсларининг бошқа мақсадларга қаратилишига сабаб бўлади деб таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли Фармони билан акциядорлик жамиятлари устав фондларининг ҳажми 10 баробардан зиёдга кўтарилди. Бу улар активларининг ҳажмида акс этди ва шу билан бирга, акция ва улушлар сотиб олиш бўйича битимларда қатнашувчи инвестор ва эмитент активларининг жами қиймати амалдаги қонунда белгиланган энг юқори меъёрдан сезиларли даражада ортиди.

Янги қонун лойиҳасининг қоидалари юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга, рақобатни ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлашга, товар бозорларида монополистик фаолиятни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгилашга ёрдам беради.

Юқори ликвидли, жумладан, товар бозорида устун мавқега эга корхона томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг биржа савдолари ривожланиши билан монопол юқори нарх тавсифига ёндашув ҳам ўзгарди. Қонун лойиҳасига биржа савдолари натижасида вужудга келган нарх монопол юқори ҳисобланмаслигини назарда тутадиган нормаларни киритиш мақсадга мувофиқли айтиб ўтилди.

Қонун лойиҳаси бўйича ишчи гуруҳи таклифига мувофиқ, иқтисодий жамланиш бўйича давлат назоратини таъминлаш мақсадида, шахс ёки шахслар гуруҳининг устунлик даражасининг ошишига олиб келувчи кўшилиш, кўшиб юбориш, акцияларни мулкый ҳуқуқларни сотиб олиш ва бошқа битимларни (ҳаракатларни) тартибга солувчи янги боб киритилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

3. Монополияга қарши бошқарув ва унинг ягона ахборот базасини такомиллаштириш йўналишлари

Монополияга қарши бошқарувни янада такомиллаштириш, миллий иқтисодиётимиз тараққиёти ва ундаги рақобат муҳитини шакллантириш нуктаи назардан юқори аҳамиятга эгалигини инобъатга олган ҳолда бир қатор йўналишларда ислохотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, табиий монополияларга оид қонунчиликка тузатишлар киритиш ва давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш.

Қонун лойиҳасининг асосий ғояси истеъмолчиларни товарлар ва хизматлар билан ишончли, самарали ва сифатли таъминлаш, табиий монополия субъектлари фаолияти «шаффоф»лигини ошириш, шунингдек, рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратишни ифодаладиган табиий монополиялар фаолиятини қонун асосида тартибга солиш тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Бу мақсадлар учун табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликка қатор жиддий қўшимча ва ўзгаришлар киритиш таклиф этилади.

1. «Табиий монополиялар субъекти» тушунчасини табиий монополиялар соҳаларида фаолият юритадиган ва мос келувчи товар бозорида етакчилик ҳолатига, жумладан, инфратузилма объектларига эгалик қилиш йўли билан эга бўлган хўжалик юритувчи субъект тушунчаси орқали рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун атамаларида белглаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

2. Қонун лойиҳасида табиий монополиялар тўғрисидаги амалдаги қонунни белгилаб қўйилган фаолият соҳаларини қуйидагилар билан тўлдириш таклиф этилади:

- 1) марказлашган сув таъминоти хизматлари;
- 2) аэронавигацион хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар.

3. Тармоқ хизматлари бозори ва якуний хизматлар бозорини фарқлаш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш бўйича бозорлар ва бозорга кириб боришни аниқлаш зарур. Ҳозирча табиий монополиялар тўғрисидаги Қонун якуний

фойдаланувчиларга табиий монополиялар хизматлари ёки якуний хизматларга тариф шакллантириш масалаларига дахлдор, холос. Шундай бўлсада, хизматлар кўрсатиш занжирида бир нечта хўжалик юритувчи субъект жалб қилиниши мумкин. Уларнинг бозорга кириб бориши учун ҳукукий шароилар ва имкониятлар яратиш зарур – бу табиий монополия хизматлари бозори ҳам, табиий монополия бозори билан боғлиқ хизматлар ҳам бўлиши мумкин.

4. Аниқлаб олиш керакки, табиий монополиялар соҳаларида табиий монополия субъектлари ҳам, табиий-монополия бозорларида рақобатни ривожлантириш имконияти, шунингдек, табиий монополиялар соҳаларининг рақобатли бозор ҳолатига иқтисодий жиҳатдан оқланган тарзда ўтишини тақиқлайдиган қоидаларни эътиборга олган ҳолда бундай саналмаган хўжалик юритувчи субъектлар ҳам фаолият юритиши мумкин.

5. Тарифга оид тартибга солиш усуллари эҳтимолий доираси кенгайтирилиши лозим. «харажатлар+» усули билан бир қаторда, бу рўйхатга сарф қилинган капиталга даромадлилик усули, мос келувчи бозорларда тарифлар нархини таққослаш усули (“benchmarking”), тарифларни индексациялаш усули, боғлиқ бўлган бозорларда конъюнктура қарорлари қабул қилишда ҳисобга олишни ҳам киритиш лозим.

Тарифга оид қарорлар қабул қилишда тартибга солувчи органнинг товар бозоридаги вазиятни таҳлил қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши лозим бўлиб, унинг асосида тартибга солиш усуллари ҳақида қарор қабул қилиш, шунингдек, тарифларни тартибга солишни жорий қилиш, ўзгартириш ёки тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш зарур.

Қабул қилинаётган тарифга оид қарорларнинг кўрсатилаётган хизматлар ҳажм кўрсаткичлари, хизматлар сифати ва ишончлилик белгиланган кўрсаткичлари, шунингдек, бу кўрсаткичларга амалда эришишни мониторинг ва назорат қилиш жараёнлари билан боғланиши таъминланиши лозим.

6. Монополияга қарши ва концессион қонунчиликни ҳисобга олган

ҳолда давлат ёки муниципал мулк ҳисобланган табиий монополия субъектларининг асосий воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи битимларини амалга оширишда конкурсли жараёнлар мажбурийлиги.

Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 171-моддасига мувофиқ, ижара шартномаси, бепул фойдаланиш шартномаси, мулкни ишонч асосида бошқариш шартномаси тузиш, шунингдек, давлат ва (ёки) муниципал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқларининг ўтишини кўзда тутадиган бошқа шартномалар тузиш фақат конкурслар ёки аукционлар ўтказиш натижалари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Бундай савдолар ўтказиш тартиби ва конкурс натижалари бўйича амалга ошириладиган кўрсатилган шартномалар тузиладиган ҳолатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

7. Давлат эҳтиёжлари учун харидлар ҳақидаги қонунчилик концепциясига асосланган, бироқ бунда табиий монополия субъектларининг муайян соҳаларда фаолият юритиш хусусиятлари тўлиқ ҳисобга оладиган табиий монополиялар эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш жараёнлари «шаффоф»лигини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

8. Табиий монополиялар субъектининг инвестицион дастурларни мувофиқлаштириши (тасдиқлаш), шунингдек, уларни турли миқёсда – марказий ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан мувофиқлаштириш мажбурияти.

9. Истеъмолчиларни табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган (сотиладиган), уларга нисбатан тартибга солиш қўлланадиган товарларга, шунингдек, мос келувчи товар бозорларига нодискриминацион кириш тамойиллари ва қоидаларини белгилаш. Нодискриминацион кириш қоидалари мазмуни «монополияга қарши ишлар иккинчи пакети»да белгилаб қўйилган.

10. Барча масалаларни рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун доирасида тартибга солиш йўли билан табиий монополиялар тўғрисидаги қонун доирасида битимларни назорат қилиш жараёнидан воз кечиш.

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган, табиий монополиялар соҳасида давлат назорати мақсадлари, вазифалари ва усуллари ҳамда Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 7-бобида белгиланган иқтисодий марказлашув устидан давлат назорати айнан бир хил бўлиб, жумладан, истеъмолчилар манфаатларининг камситилиши ва рақобатнинг чекланишига йўл қўймасликка йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги монополияга қарши қўмита Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда табиий монополия субъектларининг боғлиқ бўлган бозорларга таъсирини ҳисобга оладиган иқтисодий марказлашув устидан назорат хусусиятларини акс эттиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

11.Албатта хизмат кўрсатилиши лозим бўлган истеъмолчиларни аниқлаш.

Қонун лойиҳасида табиий монополиялар субъекти ишлаб чиқарадиган (сотадиган) товарга эҳтиёжларни тўлиқ ҳажмда қондириш имкони бўлган ҳолларда албатта хизмат кўрсатилиши лозим бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва (ёки) уларни таъминлааш минимал даражасини белгилаш монополияга қарши ишлар органи томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилиши лозим. Бундаресурслар чекланганлиги шароитларида табиий монополия субъектлари маҳсулотларини тақсимла тартибининг ўзи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

12.Ваколатларнинг табиий монополияларни тарифга оид тартибга солиш бўйича орган, монополияга қарши ишлар органи ва ижроия ҳукумати тармоқ органлари ўртасида тақсимланиши.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколатлари доирасига кирадиган масалалар аниқланиши лозим (наrx шакллантириш асослари, нодискриминацион кириш қоидалари, ахборотни очиш стандартлари, табиий монополия субъектлари реестрини юритиш тартиби, табиий монополия субъектларининг инвестицион дастурларини мувофиқлаштириш тартиби ва ҳ.к. чоп этиш).

Иккинчидан, давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш

Рақобатга давлат унитар корхоналари (ДУК), маҳаллий унитар корхоналар (МУК) ва бюджет тузилмалари – давлат муассасалари доғаларб ҳисобланади.

ДУК ва МУК фаолиятининг рақобатга салбий таъсири шундан иборатки, улар кўпинча рақобатли саналган назорат, мулкни бошқариш ва аҳолига бозорда пуллик хизматлар кўрсатишни бирга олиб боради. Кўп ҳолларда ДУК ва МУК бюджет маблағларини бюджет назорати остидан чиқариш (фойдаланишнинг шаффоф эмаслиги) воситаси ҳисобланади, бу эса коррупцияга хизмат қилади ва бозор рақобатига тўсқинлик қилади.

Уй-жой-коммунал хўжалик соҳасида фаолият юритувчи унитар корхоналар ҳам катта муаммо юзага келтиради. Кўпчилик ҳолларда улар кўп хонадонли уйларни бошқариш соҳасини монополлаштириб олади, бу эса аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатининг пасайишига ва нархларнинг ўсишига олиб келади. Бунда ушбу бозормутлак рақобатли ҳисобланади.

Сув таъминоти, иссиқлик таъминоти ва электр таъминоти соҳаларидаги унитар корхоналар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Кўпчилик ҳолларда улар ўз самарасизлигини намойиш этиб, банкротлик ҳолатига учрайдилар, уларнинг мулки эса конкурсиз асосда ижарага бериб юборилди. Бунда ижара тўлови қиймати истеъмолчилар учун якуний тарифга киритилади, бу эса коммунал хизматлар нархининг қимматлашишига олиб келиши муқаррар. Шу билан бирга, ўз самарадорлигини исботлаб берган инвестицион шартлар билан ҳукумат органидан тўғридан-тўғри ижара ёки концессия битимлари самарали механизми (бу ҳолатда ижара амортизация ажратмаларига тенг бўлади ва таннархга ёки шартномага мувофиқ инвестициялар ҳисобига киритилади) амалда қўлланмайди.

Ўзбекистон Республикаси ветеринария субъектлари давлат муассасалари аҳолига пуллик ветеринария хизматлар кўрсатиб, бунда нолга тенг бўлган ижара ставкалари, бюджетдан молиялаштириш ҳамда аҳоли ва агросаноат мажмуи корхоналарини дори-дармон ва даволаш-профилактика

таъминотида давлат буюртмасини бажариш кўринишида турли имтиёзлар олади. Бунда уларганазорат функциялари берилган бўлиб, бу эса манфаатлар тўқнашувига олиб келади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам рақобатни бузиб кўрсатишнинг шунга ўхшаш механизмлари мавжуд. Давлат ва муниципал тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдамнинг баҳоси давлат кафолатлари доирасида тариф ставкаларига мувофиқ давлат ва муниципалитетларнинг барча реал харажатларини ҳисобга олмасдан шакллантирилади. Хусусан, харажатлар қсми тўлиқ ҳисобга олинмаган—биноларнинг ижара баҳоси, коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари учун тўловлар, маъмурий аппарат харажатлари, биноларни тозалаш харажатлари ва бошқалар ҳисобга олинмайди. Шундай қилиб, давлат ва муниципал буюртмаларни жойлаштиришда хусусий тиббиёт муассасалари рақобатбардош була олмайди.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни ифодалаш мумкин. Маъмурий ислохотларуларда фақат оммавий функцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган мулкни сақлаб қолган ҳолда ДУК ва МУК жиддий қисқартиришни кўда тутати. Бунинг ўрнига ушбу ташкилотларнинг бозорда жуда кўплиги, пуллик хизматларнинг ўсиши, уларга давлат мулки ва муниипал мулкни беришнинг тезлашуви, 3 йилдан ортиқ ижарада бўлган мулкни хусусийлаштиришда тадбиркорларга тўсқинлик қилиш кузатилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши кураши хизмати қуйидагиларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

- 1) унитар корхоналарни рақобатли бозорлардан чиқариб ташлаш;
- 2) стратегик аҳамиятга молик тармоқларда ташкил қилинган корхоналарни истисно қилганда, барча давлат ва муниципал унитар корхоналарни тугатиш;
- 3) оммавий функцияларни амалга ошириш учун фойдаланилмаётган давлат ва муниципал унитар корхоналар мулкни давлат мулки қилиб бериш ва келгусида хусусийлаштириш ёки кичик ва ўрта корхоналарга ижарага

бериш бериш учун мулк фондини шакллантириш;

4) ДМ ва ММ хусусий компаниялар билан, биринчи навбатда, хусусий компаниялар билан, уй-жой-коммунал хўжалик соҳасида рақобат қилиши учун бир хил шароитлар яратиш;

5) рақобатли бозорларда давлат мулки ёки муниципал мулк саналган мулкдан фойдаланиш бўйича концессион битимлардан кенг фойдаланиш.

Учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантиришни кучайтириш.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш соҳасидаги вазият кичик корхоналар сонининг ўсишига ҳам, уларнинг тармоқ структурасига ҳам салбий таъсир кўрсатадиган тизимли муаммолар билан тавсифланади. Савдо қўшилган қиймати юқори бўлган ишлаб чиқаришдан устунлик қилади: кичик корхоналар умумий сонидан 60%дан ортиғи улгуржи ва чакана савдога тўғри келади.

Фақат Ўзбекистон Республикасида тобора кўп сонли кичик бизнес корхоналари пайдо бўлишигина самарали рақобатнинг ривожланишига хизмат қилади, бу эса бизнесни харажатларни қисқартиришга қайта йўналтиради ва инновациялар учун йўл очиб беради.

Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

1. Маъмурий тўсиқларни пасайтириш

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши кураш қўмитаси йилига ҳукумат органлари томонидан 1000 дан ортиқ рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг бузилиши ҳолатларини аниқлайди, бу қоидабузарликларуларнинг товар бозорларига янги ўйинчилар кириб келиши ва айрим фаолият турларини тақиқлаши кўринишида локал бозорларга рақобатни чегаралайди. Шартномаларнинг ижроси уларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлган мансабдор шахслар ҳужжатларнинг ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги, техник шартлар берилиши, экспертизалар ўтказилиши ва ҳ.к. учун ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайди. Буларнинг барчаси учун фақат тадбиркор жавоб беради.

Қуйидагилар зарур ҳисобланади:

- зудлик билан Ўзбекистон Республикаси «Давлат хизматлари стандартлари ва маъмурий регламентлар тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш;

- иқтисодиётни монополиядан чиқариш варақотни ривожлантириш бўйи
ча вази фаларни минтақаларни ижтимоий-

- иқтисодий ривожлантириш дастурларига қиритиш ўли билан кичик бизнеснинг
ривожланиши учун жавоб берадиган маҳаллий ҳукумат органларининг ижроия
ҳукумати органлари ишларини фаоллаштириш;

-

ўзи шини очишда Республика миқёси да ва маҳаллий даражада бар қару ҳсат бериш
жараёнларини хабар қилишга оид жараёнлар билан алмаштириш.

2. Кредит ресурсларига эга бўлишни кенгайтириш.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кичик компанияларни молиялаштириш
асосан яққа тартибдаги инвесторлар томонидан ёки ўзини-ўзи
молиялаштириш механизми орқали амалга оширилади, бу эса битимлар
«шаффоф»лигини пасайтиради, уларнинг жиноятчилик билан боғлиқлигини
оширади, компаниялар рақобатбардошлигини пасайтиради. Пенсия васуғурта
компаниялари қоидага кўра, рентабеллиги юқори бўлган венчурли фондларга
инвестициялашда иштирок этмайди.

Қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- кичик бизнес субъектларини ривожлантириш минтақавий ва
муниципал дастурларига мажбурий тартибда кичик ва ўрта корхоналар
томонидан жалб қилинган кредитлар бўйича таъминотни тақдим этиш учун
муниципал фондлар ва минтақавий кафолат (кафиллик) фондлари
шакллантириш кўзда тутиладиган чора-тадбирлар қиритиш;

- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш воситаларини кредит
ташкilotларида жойлаштириш қатъий белгиланган нархини ўрнатиш ҳамда
кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини кредитлаш у бўйича амалга
ошириладиган ставкани пасайтиришда савдо ўтказишни назарда тутиладиган

аукцион ўтказиш воситасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш воситалари тақдим этиш;

- кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағларнинг бир қисмини пул талабини бошқага бериш (факторинг) шартида молиялаштиришга йўналтириш.

3. Кўчмас мулк ва муҳандислик инфратузилмасидан фойдаланиш.

Инфратузилманинг етарли эмаслиги ва ривожланмаганлиги рақобат ривожланиши учун ҳам, иқтисодиётнинг турли секторларида иқтисодий ўсиш ва бу тармоқларга янги технологиялар кириб келиши учун ҳам табиий тўсиқ ҳисобланади.

Кўчмас мулкдан фойдаланишни таъминлаш учун қуйидагилар зарур ҳисобланади:

- оммавий функцияларни амалга ошириш учун фойдаланилмаётган давлат ва муниципал унитар корхоналар мулкани давлат мулки қилиб бериш ва келгусида хусусийлаштириш ёки кичик ва ўрта корхоналарга ижарага бериш бериш учун мулк фондини шакллантириш;

- кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ҳамда бизнес юритиш ва бошқарув янги технологияларини жорий қилиш учун технопарклар ва саноат парклари (тармоқ йўналиши) қурилиши бўйича Республика ва минтақалар миқёсида давлат-хусусий ҳамкорликни вужудга келтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- истеъмолчиларнинг электр тармоқларига технологик уланиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- технологик уланишни амалга оширишда юзага келадиган, технологик уланиш учун тўловлар ортишига олиб келадиган истеъмолчиларни асоссиз равишда иккиёқлама солиққа тортишга барҳам бериш;

- электр тармоқларига уланиш жараёни билан бўлгани каби, бошқа (сув, иссиқлик, газ) муҳандислик тармоқларига уланиш жараёнларини арзонлаштириш ва соддалаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, жумладан, уланишнинг техник имкониятлари, тўлов ҳажми ва амалдаги уланишлар сони ҳақида ахборот чоп этиш.

4. Давлат харидларида кичик бизнеснинг устувор мавқеини мустаҳкамлаш.

Давлат буюртмасига яқинлашиш кичик бизнес товар ва хизматларига давлат харидини кенгайтириш усулларида бири ҳисобланади.

2011 йил қонунчиликка давлат харидлари тўғрисидаги Қарор тамойилларининг табиий монополиялар ва давлат корпорацияларига нисбатан амал қилишига тааллуқли тузатишлар киритилиши катта ютуқ бўлди.

Қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- чекланган миқдордаги электрон майдончаларда электрон аукционлар ўтказиш воситасида давлат ва муниципал буюртмаларни асосан электрон шаклда жойлаштиришга ўтиш;

- қонунчиликни сурункали равишда бузганлик учун амалдорни дисквалификация қилиш имконияти билан «фирромчи таъминотчилар» реестри тамойили бўйича «фирромчи буюртмачилар» реестрини тузиш;

- давлат ва муниципал шартномалар ижросини молиявий таъминлаш сифатини ошириш.

5. Инновацион кичик бизнесни ривожлантириш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик инновацион компаниялар одатда таълим ва илмий марказлар қошида ташкил қилинади, бироқ Россияда бундай рўй бергани йўқ. Бунинг сабаби – истиқболли ишланмаларга эгалик ҳуқуқи, технологияларни тижоратлаштириш масалалари якуний тартибга солинмаганлиги бўлиб, бу ларнинг самарали амалга оширилишини тўхтатиб турибди.

Қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- инновацион таълимни жорий қилиш. Олий таълим муассасаси илмий ва ўқув жараёнлари бирга олиб бориладиган марказга айланиши лозим;

- Ўзбекистонда патентқонунчилигинимослашувчанроққилиш: а) кичиккомпанияларучунжараёнларнисоддалаштириш; бизнес-ғоялар, моделларваалгоритмларнихимояқилишучунуларникўллашимкониятиникенг айтириш; б) унияккатартибдагитадбиркорларгайўналтириш, уларнийириккомпаниялардансамаралиҳимояқилиш (суджараёнимасалалари);

в)интеллектуалмулкнийўғирлаганликёкинусхақўчирганликучужчораларникуч айтириш;

- интеллектуал мулкни мустаҳкамлаш – меҳнат шартномаларига ишланмалар тижоратлаштирилган ҳолларда мулкчилик ҳуқуқ ҳақидаги қоидаларни киритиш йўли билан фан ва бизнес ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш;

- уларнинг етишмаслиги кичик фирмалар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожланишини ҳам, венчурли маҳсулотни ҳам тўхтатиб турадиган номоддий активлар ҳимоясини кучайтириш мақсадида патент қонунчилиги ва у билан боғлиқ бўлган бошқа қонунчиликларга тузатишлар киритиш;

- давлат корпорацияларини инновацион иқтисодиётга, масалан, кузатув кенгашлари ёки васийлик кенгашлари орқали жалб қилиш.

6. Бозорга киришда қўшимча тўсиқлар вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида ўзини-ўзи тартибга соладиган ташкилотлар ҳақидаги қонунчиликни охирига етказиш.

Ҳозирги пайтда айрим тор тадбиркорлик гуруҳлари манфаатларида рақобатнинг чегараланиши тенденцияси кузатилмоқда. Бундай ҳаракатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорларга кириб бориши олдида янги маъмурий ва молиявий тўсиқлар яратишга қаратилган.

Фуқаролик жамияти ривожланишининг воситаларидан бири сифатида профессионал ва тадбиркорлик жамиятининг ўзини-ўзи тартибга солиш

механизмларини тезлик билан жорий қилишнинг муҳимлиги маълум қилинади.

Қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- мамлакат иқтисодиёти учун рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатларни баҳолаш борасида ничик бизнес бирашмалари билан биргаликда СРО бўйича қонунчиликни таҳлил қилиш;

- профессионал ёки тармоқ жамиятларини қурилиш бозори қатнашчилари фаолиятига мажбурий талабларни белгилайдиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишга жалб этиш ва уларнинг далиллар билан асосланган таклифларини ҳисобга олиш, тармоқ саъй-ҳаракатларини биринчи навбатда, қурилишда техник регламентлар ишлаб чиқиш, қурилаётган ва таъмирланаётган объектлар сифати ва хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқишга қаратиш;

- агарда бу зарур деб тан олинадиган бўлса, аста-секинлик билан бир неча йил давомида қурилишда мажбурий ўзини-ўзи тартибга солишга ўтиш.

7. Тадбиркорларнинг билим ва тажрибалари такомиллаштириш.

Тадбиркор кичик бизнесни «ноль»дан бошлайдиган ёки бошқа фаолият соҳасида янги иш очадиган ҳолатларда унинг олдида молиявий ва товар оқимларини режалаштириш ва бошқариш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган солиқ қонунчилиги ва бошқа қонунчиликларни қўллаш, маркетинг, бизнес-лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.га тааллуқли бўлган, комплексли ва янгиланиб турадиган ахборотга эга бўлиш муаммоси юзага келади. Шу тариқа қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- кичик корхоналар раҳбарлари ва ўз ишини очиш истагида бўлган шахслар учун қисқа муддатли махсус профессионал таълим тизимини ташкил қилиш;

- мактаб дастурларига «Тадбиркорлик фаолияти асослари» фанини киритиш;

- интернет тармоғида кичик бизнесни ташкил қилиш ва унинг ишлаши

бўйича тадбиркорларга тезкор маслаҳатлар бериш бўйича ахборот порталиташкил қилиш;

-умуммамлакат давлат телеканалига ўз ишини очишга ёрдам берадиган махсус ўқитиш дастури киритиш;

-волонтер-тадбиркорлар ишини назарда тутадиган инфратузилма ташкил қилиш йўли билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш (зарур адабиётлар билан "бизнес-тўғараклар", ўз ишини ташкил қилган тадбиркорларнинг маслаҳатлари ва ҳ.к.).

ХУЛОСА

Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-назарий асослари ва миллий иқтисодиёт тараққиётидаги тутган ўрнини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Монополияга берилган тариф ва шарҳларни умумлаштирган ҳолда монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари деган хулосага келинди.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётнинг маълум тармоғи доирасидаги корхона ва фирмаларнинг йириклашувидир.

Ишлаб чиқаришнинг вертикал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётдаги бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўпланишидир.

Монополияга қарши бошқарувнинг бир қатор функционал элементларидан бири монополистик фаолиятни назорат қилиш ҳисобланади. Монопол корхоналар ва хусусан, табиий монополиялар устидан самарали назоратни шакллантириш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги тўғри ва аниқ ахборотларни шакллантириш жараёнига бевосита боғлиқдир.

Монополияга қарши бошқарувнинг ахборотлар таъминоти ички ва ташқи ахборотлар таъминотига бўлиниб, бошқарув жараёнининг ҳар бир босқичларига хос ахборотлар жамланади. Ушбу ахборотларни жамланишида давлат органлари, ҳжалик субъектлари иштирок этадилар.

Бугунги кунда деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб, бу монополияга қарши сиёсат деб аталади. Давлатнинг монополияга қарши сиёсати асосини монополияга қарши қонунчилик ташкил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ предмети акциялар ёки улушларга бошқа мулкӣ ҳуқуқлар, етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар низом фондидаги пай ёхуд хўжалик юритувчи субъектнинг етакчилик ҳолати кучайишига олиб келадиган битимлар ҳисобланган битимларни (шартномаларни) монополияга қарши кураш органи билан албатта мувофиқлаштириш жараёни белгилаб қўйилган.

Монополияга қарши ишларни тартибга солишдаги назорат чораларининг элементлари қуйидагилардан иборат:

- етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми устидан назорат

- етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар маҳсулот сифати устидан назорат

- етакчилик ҳолатига эга бўлган субъектлар маҳсулоти нарх даражаси устидан назорат

Нархларни давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий мақсади демпинг нархларни белгилаш харидоргир маҳсулотларга нархлар асоссиз оширилиши, устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз натижасига кўра рақобатнинг чекланишига ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари камситилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, чеклаш ва уларга барҳам бериш мақсадида монополистларнинг маҳсулотларига тарифларни давлат томонидан тартибга солиш ҳисобланади.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, табиий монополияларни давлат реестри чиқарилиши ҳисобига назорат қилинаётган табиий монополиялар камайиб бормоқда. Бу асосан табиий монополия субъекти тугатилиши, табиий монополия субъекти томонидан табиий монополия шароитида товарларни ишлаб чиқариш тўхтатилаётганлиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ табиий монополия субъектларининг фаолияти

соҳасида давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилиши ҳисоби содир бўлмоқда.

Иқтисодиётдаги рақобат муҳитини шакллантириш, монополистик фаолиятни назорат қилини янада кучайтириш мақсадида унинг қнунчилик асоси такомиллаштирилди.

Амага оширилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, унга доир бир қатор қонуности меъёрий ҳужжатлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига етарли даражада мувофиқ эмас эди.

Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики:

биринчидан, Қонун молиявий хизматлар бозоридаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган, бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермаган;

Иккинчидан, Қонунда “бозор”, “бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар”, “инсофсиз рақобат”, “камситувчи шартлар”, “нотўғри таққослаш”, “монопол юқори нархлар”, “монопол паст нархлар”, “шахслар гуруҳи”, “устун мавқе” каби асосий тавсифларни бир-биридан аниқ ажратиш ва тоифалаш тартиби мавжуд эмас. Амалиётда бу қонунга шарҳ беришда ва уни татбиқ қилишда муаммоларни юзага келтирар эди.

Учинчидан, “Рақобат тўғрисида”ги Қонун умумий тавсифларни аниқлаштириш билан бир қаторда янги тушунчалар ҳам киритилди. Бундан ташқари, “устунлик мавқе”ни тавсифлаш принципини, субъектнинг товар ва хизматлар бозоридаги устунлик мавқеини ўрнатиш мезонларини аниқ ва пухта белгилаш ҳамда бозор улуши ҳажмини қисқартириш йўли билан ўзгартирилган.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, кейинги йилларда монополист-корхоналар сони деярли 75,2% камайди, монопол

маҳсулотларнинг республика ЯИМ умумий ҳажмидаги улуши 26 дан 20,8% га пасайди. Бу эса рақобатнинг янада ривожланганлиги ҳамда товар бозорларида устунлик мавқеини эгаллаб турган корхоналар сони сезиларли даражада қисқарганлигидан далолат беради.

Монополияга қарши бошқарувни янада такомиллаштириш ва уларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш йўналишлари бўйича умумий тавсифдаги қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

1. Юқори ликвидли, жумладан, товар бозорида устун мавқега эга корхона томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг биржа савдолари ривожланиши билан монопол юқори нарх тавсифига ёндашув ҳам ўзгарди. Бизнинг фикримизча, биржа савдолари натижасида вужудга келган нарх монопол юқори ҳисобланмаслигини назарда тутадиган нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Иқтисодий жамланиш бўйича давлат назоратини таъминлаш мақсадида, шахс ёки шахслар гуруҳининг устунлик даражасининг ошишига олиб келувчи қўшилиш, қўшиб юбориш, акцияларни мулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиш ва бошқа битимларни (ҳаракатларни) тартибга солининг ҳуқуқӣ асослари мустаҳкамланиши лозим.

3. Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмай Қўмита ёки унинг ҳудудӣ органларига Қўмита қарори билан аниқланган тегишли моддий баланслар ва ҳажмларда назарда тутилган маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйишнинг амалда бажарилиши тўғрисида ахборотни тақдим қиладилар. Бининг фикримизча ушбу корхона ва ташкилотлар устидан самарали назорат ва мониторингни тақил этиш мақсадида ҳар 10 кунлик муддатда маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйишнинг амалда бажарилиши тўғрисида ахборотни тақдим этишлари мақсга мувофиқдир.

4. Биржа ва кимошди савдоларининг ташкилотчилари ҳар куни Қўмитага маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш ҳамда улар

орқали сотиш тартибида назарда тутилган тегишли номенклатура бўйича биржа ва кимошди савдоларига қўйилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек сотилган маҳсулот нархлари ва биржа ҳамда кимошди савдоларида шаклланган нархларнинг ўртача котировкалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар. Бизнинг фикримизча, ушбу маълумотлар банкига ушбу товарларга бўлган талаб ҳажми ва миқдори тўғрисида ҳам ахборотлар қўшилиши мақсадга мувофиқдир.

Монополияга қарши ишларни янада такомиллаштириш ва иқтисодиётдаги рақобат муҳитини ривожлантириш учун амалга оширилган тадқиқотларга мувофиқ қуйидаги йўналишларда ислохотларни амала ошириш тавсия этилади:

Биринчидан, табиий монополияларга оид қонунчиликка тузатишлар киритиш.

Иккинчидан, табиий монополия субъектлари бўлган давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш. Пировард натижада, улардаги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш.

Учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантиришни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.-32 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуни.- Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 1999 йил 19 август,815-I-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни.- Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,2012 йил, 6 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 14 декабр 2000 йил. - 43 бет.

II. Ўзбекистон Республикаси президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори.
8. Мактабгача таълим муассасаларида 2010 йил учун бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 34/16-сон қўшма қарори; Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

9. Ислон Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
10. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январ,№16(5183)
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш- тараққиётимизнинг муҳим омилидир.-Халқ сўзи, 2010 йил. 8 декабр.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябр

13. И.А.Каримов Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-70 б.

14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Халқ сўзи, 2009 йи. 14 феврал

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил, 56 бет.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Халқ сўзи., 2009 йил 14 феврал.

17. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т. халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал, № 28(4438).

IV. Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.-Т.:Иқтисодиёт.-2012.-233 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузани ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: Иқтисодиёт.- 2011.- 500 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунина шарҳлар.- Т.:Шарқ, 2007 й.- 640 б.

4. Abulqosimov Q.P. 1.Uzbekistonda iqtisodiy islohotlar Т.: Akademiya, 2010. 220 б.

5. Арменский А.Е. М.Экономика устойчивого развития: прорывные идеи и технологии: Социальный проект, 2009, 424стр.

6. Антошенко А.В. Государственная антимонопольная политика. Уч.пос.-М. ИНФРА, 2009. 202б.

7. Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқалар. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. Т., Академия, 2010. 245 б

8. М.Богачев и др.«Конкурентная политика» М.: ИНФРА-М. 2011.186б.

9. Баришева А.В., СухотинЮ.В., БогачевВ.Н. И др. Монополизм и антимонопольная политика. Уч. Пос. М.,- ЮНИТИ. 2010.199б.

10.Бадалов Л.М. Антимонопольное регулирование национальной

экономики. Учебное пособие.//М. Рос.экон.акад., 2009, 97б.

11.Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики. Учебное пособие. // М.: Финансы и статистика, 2009.- 12б

12.Владиславлев Д.Н. Конкуренция и монополия на фондовом рынке. - М.: Экзамен, 2010. 188б.

13.Варламова А.Н. Правовое регулирование конкуренции в России. - М.: ЮрИнфор, 2010. 37б.

14.Ворожейкин В.Н., РibaковФ.Ф. Антимонопольное регулирование: федеральный и региональный аспекты. - СПб.: Питер, 2010. 89б.

15. Ефремов В.Р. Стратегическое планирование в бизнес-системах.- М.: Фин-пресс, 2001. -240 стр.

16.Нуреева. Р.М.Национальная экономика: учеб. М.: ИНФРА – М, 2010, 655стр.

17. Носова С.С. Основы экономики: учеб. М.: КНОРУС, 2009, 312стр.
Розанова Н.М. Экономика отраслевых рынков. учеб.пособМ.: ИД Юрайт, 2010, 90бстр.

18.Цыганова А.Г Конкуренция и антимонопольное регулирование. Учебное пособие.//М.: Логос,2009. гл.1, 3б.

V. Қўшимча адабиётлар

19. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

20. Видяпин В.И.и другие.Экономическая теория: Учебник. — М.ИНФРА-М, 2008. – 540 стр.

21. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К0»; Саратов: ООО «Англейс», 2010.- 256 с.

22. Новиков В. Влияние российского антимонопольного законодательства на экономическое развитие. Вопросы экономики, 2003, N 9, с. 33-48.

23. Тутунджян. А.К. «Реструктуризация предприятий». Проблемы теории и практики. - М.: «Экономика», 2008 г.- 450 стр.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

24. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

25. NORMA- ахборот ҳуқуқи тизим маълумотларидан фойдаланилди.

VII. Интернет сайтлари

26.<http://www.antimon.uz> –Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси сайти.

27.<http://www.budgetrf.ru> - Россия Федерацияси бюджет тизими сайти.